БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 3 (494)
4 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тиин.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганинга Мўғулистон Халқ Республикаси Бош Министри Ю. Цеденбалнинг телеграммаси (1-нчи бет).

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганининг Судон Бош Министри Ҳазрат олийлари Исмоил Алазхари жанобларига телеграммаси (1-нчи бет).

КПСС XX с'езди шарафига (1-нчи бет).

Германия Демократик Республикасининг Президенти Вильгельм Пикнинг 80 йиллиги байрамида қатнашучи Совет делегацияси Берлинга келди (1-нчи бет).

Тошкент темир йўлининг 50 йиллиги (2-нчи бет).

В. Хўжаев. — Тошкент темирйўлчиларининг шонли йўли (2-нчи бет).

Ш. Кузанбоев. — Бўкада шудгорлашга етарли э'тибор берилмаётир (3-нчи бет).

Ғ. Мажидов. — Аҳолини сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари блан тобора кўпроқ та'минлаймиз (3-нчи бет).

Вильгельм Пикнинг 80 йиллиги муносабати блан (4-нчи бет).

Польша делегацияси Берлинга келди (4-нчи бет).

Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатининг муваффақиятлари тўғрисида «Женьминьжибао» газетасининг ёзганлари (4-нчи бет).

Франция Миллат мажлисига сайловлар (4-нчи бет).

Шонли эллик йил

Янги бахт-саодат келтируччи 1956 йилни барча совет кишилари қатори катта ғалаба ва шоду-хуррамлик блан кутиб олган Тошкент темир йўл магистралининг кўп мингли армияси шу кунларда зўр байрам туйғулари блан яшамоқда — Тошкент темир йўлида поездлар қатнай бошлаган кунинг эллик йиллигини байрам қилмоқда.

Бундан эллик йил илгари 1906 йилда Тошкент — Оренбург темир йўли ишга туширилди. Закаспий ва Тошкент — Оренбург темир йўлларининг ишга туширилиши мамлакатнинг экономикасини ривожлантиришда, меҳнаткашлар онгида революцион туйғуларни уйғотишда, уларнинг маданий савиясини оширишда катта роль ўйнади. Темир йўл қурилиши блан сувсиз чўл ва саҳроларни босиб ўтган иптидоий, уқубатли карвон йўллари ўз аҳамиятини йўқотди.

Собиқ Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш Россия тўқимачилик саноатининг тобора ўсиб бораётган талабларига боғлиқ эди. Ўрта Осиёни Россия саноат марказлари блан боғловчи темир йўлнинг қурилиши айниқса пахтачиликни ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. Темир йўлнинг ҳарбий стратегик ва сиёсий аҳамиятидан ташқари Россия ва Ўрта Осиё учун иқтисодий аҳамияти ҳам бениҳоя катта эди. У, Ўрта Осиё республикаларида ҳали ёшириниб ётган ишлабчиқаручи кучларни уйғотди ва Ўрта Осиё блан Россия ўртасида мустаҳкам иқтисодий алоқа ўрнатди. Бу эса Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқаручи саноат корхоналарини вужудга келтирди. Темир йўл магистралининг қурилиши аграр бир мамлакатда энг илгор ва энг революцион синф — саноат пролетариатини майдонга келтиришга ва уни ўстиришга катта ёрдам берди.

Темир йўл станцияларида қурилган мастерскойлар, паровоз-вагон деполари маҳаллий миллатлардан ишчи кадрлар тайёрлашда ва уларни революцион руҳда тарбиялашда буюк бир мактаб бўлиб қолди. Темир йўл транспортининг илгор ишчилари Туркистонда революцион ғояларни тарқатишда катта хизмат кўрсатдилар.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон республикасининг меҳнаткашлари улуғ рус халқининг бевосита ёрдами туфайли халқ хўжалигининг барча тармоқларида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ўзбек халқи энгилликда енгил саноат ва қишлоқ хўжалигини илгор техника блан та'минловчи оғир саноатга, қўмир хавзалари, металлургия, химия саноат корхоналарга, ҳозирги замонинг энг илгор техникаси блан қуролланган коллективлашган социалистик қишлоқ хўжалигига, саноат ва қишлоқ хўжалигида етказилган маҳсулотларни ташучи биринчи класс темир йўл транспортига эга бўлди.

Коммунистик партия ва Совет давлати темир йўл транспортини ривожлантиришга ҳамавақт катта аҳамият бериб келдилар ва ҳозир ҳам шундай қилмоқдалар. Тошкент темир йўл транспорти илгор техника ва малакали кадрлар блан тобора кўпроқ та'минланмоқда. Темир йўл транспортида меҳнатнинг тўғри ташкил қилиниши ва темир йўлчилар ўртасида мустаҳкам интизом ўрнатилиши юк ташиш оборотини кенгайтиришга катта имконият берди.

Тошкент темир йўлининг юк ташиш обороти ҳозирги вақтда 1906 йилга нисбатан ўнларча баробар ошди. Айниқса пахта, тошкўмир, нефть маҳсулотлари, қурилиш материаллари ташиш мисли кўрилмаган даражада кўпайди. Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкент темир йўли коллективи ўз олдига қўйилган ҳарбий-хўжалик юкларини тўхтовсиз ташиш каби муҳим вазифани муваффақият блан бажарди. Ўша йилларда Фарҳод гидроэлектрстанцияси, Ўзбекистонда биринчи марта металлургия заводи қурилабошланди. Бу қурилишларда темир йўл магистралининг коллективи муҳим роль ўйнади. 1943—1945 йиллар мобайнида бу қурилишларга 252 минг 909 тонна қурилиш материаллари етказиб берилди. Шунингдек темир йўлчилар Оҳангарон кўмир ҳавзаси қурилишига ҳам мароқиб ҳисса қўшдилар. Оҳангаронни республиканинг пойтахти Тошкент блан боғловчи темир йўл қурилди.

Ватанимиз Тошкент темир йўлчиларининг улуғ Ватан уруши йилларида фидокорлик блан қилган меҳнатларини тақдирлаб. 2561 кишини СССР орден ва медальлари блан мукофотлади. Темирйўлчиларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Темирйўлчилардан 9738 киши темир йўлда узоқ ва самарали хизмат қилганликлари учун орден ва медальлар блан мукофотланди. 1949 йилдан то 1955 йилгача қўшимча ҳақ тариқасида 165 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тўланди.

Совет ҳокимияти йилларида темир йўл транспортида маҳаллий миллатлардан темирйўлчи кадрлар етказишга алоҳида э'тибор берилди. Ҳозир Тошкент магистралида 17 мингдан ортиқ маҳаллий миллатларнинг вакиллари ишламоқда. Михаил Нурмуҳаммедов, Деҳқон Султонов, Башорат Мирбобоева каби илгор темир йўлчиларнинг номи республикамизга машҳурдир.

Коммунистик партия ва Совет давлати томонидан қўйилган вазифаларни тўла ва ошириб бажариш—темирйўлчиларимизнинг ватанпарварлик бурчидир.

Тошкент темир йўл магистралининг шонли темирйўлчилари эришилган муваффақиятлар блан қаноатланиб қолмасликлари, ишда рўй бераётган камчиликларга муросасизлик блан қарашлари ва у камчиликларни тугатиш тадбирларини кўришлари лозим.

Ҳаракат ҳавфсизлигини та'минлаш, транспортда интизомни мустаҳкамлаш—темирйўлчиларнинг давлат олдидаги муҳим вазифасидир. Темир йўл транспортининг ходимлари темир йўл магистралидаги барча ишларнинг сифатини яхшилашга ва иш маданиятини юксак даражага кўтаришга, поездларнинг қатнов графигини қат'ийлаштиришга алоҳида э'тибор беришлари лозим. Техника ва комерческий тезликни ошириш, станцияларда вагонларнинг бекор туриб қолишини қисқартириш ва вагонлар оборотини тезлаштириш лозим. Меҳнат унумини ошириш, юк ташиш таннархини камайтириш, иқтисодий тежашни қат'ий ўрнатиш, хўжалик ҳисобига ўтиш, транспортнинг рентабель ишлашини та'минлаш—темир йўл транспорти ходимларининг муҳим вазифасидир.

Темирйўлчилар олдида турган бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун машинистлар, кондукторлар, алоқачилар, йўл назоратчилари ва бошқа касбдаги барча темирйўлчилар ўртасида КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб юбориш лозим.

КПСС XX С'ЕЗДИ ШАРАФИГА

*

Мусобақа натижалари

Тошкентдаги трикотаж-пайпоқ фабрикасининг коллективи КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани янада кучайтириб, яхши натижаларга эришмоқда.

Фабриканинг меҳнатсевар ишчилари ва инженер-техник ходимлари ишлабчиқариш майдонларидан унумли фойдаланиш натижасида бешйиллик планни муддатидан илгари бажарган эдилар. Улар шу кунгача пландан ташқари 5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Фабрика коллективи эришган ютуқларни янада мустаҳкамлаб, бутун кўрсаткичлар бўйича йиллик планни ҳам ортиғи блан бажарди.

Фабриканинг Орипова, Иззатова, Зиятов, Азимова, Собирова, Ҳамидова каби илгор ишчилари социалистик мусобақани янада кучайтириб, ойлик нормаларини 200—250 процентгача етказиб бажаришга эришмоқдалар. Фабрика коллективи ҳозир 1956 йил январь ойининг охирги декадаси ҳисобига меҳнаткашлар учун трикотаж кўйлаклар ва ички кийимлар ишлаб чиқармоқда.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ИЛҒОР РЕМОНТЧИЛАР КОЛЛЕКТИВИ

Қорасув районидаги Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари ремонт заводининг коллективи ички резервлардан унумли фойдаланиш орқасида бешинчи бешйиллик программасини муддатидан 7 ой илгари муваффақият блан адо этган эди. Завод ишчилари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан илҳомланиб, ғоят кўтаринки руҳ блан ишлади. Натижада 1955 йил плани ҳам муддатидан илгари ялпи ва товар маҳсулотлари бўйича ортиғи блан бажарилди. Шу кунгача қишлоқ хўжалик машиналари учун пландан ташқари 130 минг сўмлик деталь ва запас қисмлар ҳамда бирнеча юз дона қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда ишлатиладиган қўл аппаратлари ишлаб берилди.

К. ҲИКМАТОВ.

Маҳсулот ишлаб чиқариш уч баравар ошди

Оҳангарон шаҳридаги ўтга чидамли буюмлар ишлаб чиқариш заводининг коллективи мавжуд резервлардан тўлиқ фойдаланаётгани туфайли бешинчи бешйиллик планни бажариб, ҳозир 1956 йил ҳисобига 750 минг дона черепица ишлаб чиқарди. Корхонада технологик процесслар тобора такомиллаштирилиб, цехлар янги ускуналар блан қуроллантирилмоқда. Ишлабчиқариш жараёни эса механизациялаштирилаётир. Шунинг натижасида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш 1950 йилга нисбатан 3 баравар, меҳнат унумдорлиги эса 46,7 процент ошди.

*

Технолог Григорий Коваль

Янги заказнинг муҳимлиги ва уни тезда бажариш ҳақида завод дирекциясининг топшириғини технологлар узоқ муҳокама қилдилар. Лекин заказни бажариш учун «Уралхиммаш» заводидан олинадиган бир қисм келмаган ва уни кутиб туриш учун кўп вақт талаб қиларди.

Муҳокамадан сўнг янги заказнинг мураккаб қисмини технолог Григорий Ковальга ишлашга топширдилар. У, бу шарафли топшириқ устида астойдил ишлаб тез вақт ичида янги қисмни яратди. Эндиликда Ўрток Коваль яратган қисм «Уралхиммаш» заводидан олинадиган мураккаб қисмнинг ўрнига ишлатиладиган бўлди. Григорий ишлаган деталь таннархи бошқа заводдан олинадиган қисмга қараганда 2610 сўмдан 475 сўмгача арзонлашди.

Заводда зангламайдиган пўлатдан ясалаётган фланцининг конструкциясини ўзгартириш блан уни арзонлаштириш масаласи кўтарилди. Бу ижодий изланиш иши блан ҳам Коваль шуғулланди. У, комбинациялаштирилган фланци тайёрлашни таклиф қилди. Бунда фақат 10 процент зангламайдиган пўлат сарфланадиган бўлди. Бу таклиф йилига 1300 килограмм қимматбаҳо зангламайдиган пўлат тежаш имконини берди.

Ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштиришда, меҳнат унумдорлигини оширишда мунасиб ҳисса қўшаётган Григорий Ковальнинг номини завод коллективи ҳурмат блан тилга олади. Мураккаб иш операцияларини ўрганаётган, техника прогресси учун курашда муваффақият қозонаётган кўпчилик рационализаторлар Григорий блан ҳамкорликда ишламоқдалар.

Григорий Коваль кўп вақтини ижодий изланиш, рационализатор-ишчиларга ёрдам бериш блан ўтказади. Уни ҳардоим қозон цехининг ишчилари ёки пармаловчилар ўртасида бирор тема устида маслаҳатлашаётганини ёки уларга ёрдам бераётганини кўрасиз. Шунинг учун ҳам қозон цехининг коллективи орасида Коваль ҳақида сўз очилар экан, дафатан улар:

— Ишлабчиқаришнинг ҳақиқий жонкуяри ва устаси, янгиликка жон-жаҳди блан ёпишади. Бундай киши блан ишлаш кўнгиллидир, — дейдилар.

Григорий Коваль корхона коллективи ўртасида бундай катта ҳурматга ўзининг фидокорона меҳнати, ижодий ғайрати туфайли эришаётир. У, Сумск машинасозлик техникумини битирганидан сўнг «Средазхиммаш» заводига қозон цехининг мастер ёрдамчиси бўлиб ишга кирди. Григорий завод қучоғида тарбияланди, коллективнинг ҳамкорлигида техника билимини тобора оширди. Уни план-тақсимлаш бўлимининг бошлиғи, кейинчалик завод техника бюроси бошлиғининг ўринбосари қилиб тайинладилар.

Донгдор рационализатор Коваль ўтган 5 йил ичида 45та қимматли рационализаторлик таклифини бериб, заводнинг 200 минг сўмликдан ортиқ маблағини тежади. Эндиликда Ковальнинг номи фақат «Средазхиммаш» заводидагина эмас. Чирчиқ шаҳар корхоналари коллективи ўртасида ҳам машҳур. У, КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақада меҳнат унумдорлигини ошириш, технологик процесслари такомиллаштиришда астойдил ижодий меҳнат қилаётган рационализаторларга раҳбарлик қилмоқда ва ўзи ҳам ишлабчиқаришга кўплаб янгиликлар киритмоқда.

Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Чирчиқ шаҳар саноат корхоналарининг ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштириш ва техника прогресси учун курашда катта ҳисса қўшаётган бир группа рационализаторларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотлади. Мукофотланганлар орасида «Средазхиммаш» заводи техника бюроси бошлиғининг ўринбосари Григорий Коваль ҳам бор.

О. ЛЕВАК,

«Средазхиммаш» заводи касаба союз комитети раисининг ўринбосари.

С'ЕЗДОЛДИ МУСОБАҚАСИГА ҚУШИЛИБ

«Таштекстильмаш» заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ишлабчиқаришда юқори кўрсатгичларга эришмоқдалар. Заводда 1955 йил плани муддатидан илгари бажарилди ва қўшимча равишда бирнеча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулот таннархи пландагига нисбатан 0,8 процент камайди.

Бешйиллик планни муддатидан илгари бажариб, ўзаро социалистик мусобақада олдинда бораётган 5-нчи цех токари Бриенко, слесарь Титов, 6-нчи цех ишчиси Давидовский ўртоқлар смена топшириқларини 3,5—4 хиссадан бажариб, ҳозир 1958—1960 йиллар ҳисобига сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

*

Олтинчи бешйилликнинг биринчи кунларида

БЕКОБОД, 2 январь, (ЎзТАГ). Ленин номли ўзбек металлургия заводининг ходимлари янги, 1956 йилни муваффақият блан бошлаб юбордилар. Шўлат қуювчилардан Ҳамроқулов ва Жумаев ўртоқлар олтинчи бешйилликда биринчи меҳнат вахтасида туриб ишладилар. Улар оғир эритмаларни мудатидан ярим соат илгари бердилар. Прокатчилар топшириқни ошириб бажардилар. Ватанимиз ўзбек металлургларидан йиллик топшириқни мудатидан илгари бажариш ва олтинчи бешйиллик ҳисобига пландан ташқари дастлабки бирнеча тонна пўлатни олди.

Ленин номли завод янги техника блан қуролланган ҳолда янги йилни кутиб олди. Дастлабки икки мартен печи ўтга чидайдиган хромомагнезит блан қопланди. Бу эса печьларнинг ремонтаро мудатини узайтириб, улардан шу муддат ичида қўшимча равишда 500 — 600 эритма олиш имконини берди. Иссиқлик режимини бошқариш автоматлаштирилмоқда. Бу йил металлургия ишлаб чиқаришини такомиллаштириш юзасидан қилиналиган ишлар янада авж олади.

Меҳнат вахтасида

Бешйиллик планни муддатидан илгари бажариб, КПСС XX с'ездини мунасиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилаётган Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи ишлабчиқаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда.

Тўқимачилар ички резервлардан унумли фойдаланишлари натижасида маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш имкониятига эришилар. Корхонада йиллик план муддатидан илгари бажарилди ва пландан ташқари бирнеча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Комбинатда корхоналараро социалистик мусобақада 1-нчи фабриканинг ишчилари ғолиб чиқиб, маҳсулотнинг 99 процентини а'ло сифатга топширмоқдалар.

* * *

Тошкент шаҳридаги энг кекса ва энг йирик корхона бўлган Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи коллективи ҳам 1955 йилни ишлабчиқаришда катта ғалабалар блан якунлади. Заводда йиллик маҳсулот ишлабчиқариш плани муддатидан олдин бажарилиб, қўшимча равишда бирярим миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Ишлабчиқариш даражаси 1954 йилдагига нисбатан 4,3 процент ўсди.

Облпромсоветга қарашли саноат корхоналарининг коллективлари аҳоли учун кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда яхши натижаларга эришилар. Облпромсовет корхоналарининг ватанпарварлари йиллик пландан ташқари 17 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Николай Александрович БУЛГАНИНГА

Ҳурматли ўртоқ Раис, Улан-Батор—Замин-Удэ темир йўлини эксплуатацияга топшириш тўғрисидаги акт расмий суратда имзоланганлиги ва 1956 йил 1 январьдан бошлаб СССР, МХР ва ХХР ўртасида бевосита темир йўл алоқаси бошланиши муносабати блан Сизга, Совет Ҳукуматига ва улуғ совет халқига энг қизғин салом ва самимий табрикларимизни йўллашга ижозат бергайсиз. Мўғул халқи ва унинг ҳукумати олижаноблик блан қардошларча кўрсатилган ёрдам учун Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясига, СССР Ҳукуматига ва ўзининг доимий қудратли дўсти совет халқига самимий ташаккур изҳор қилади ки, бу ёрдам ана шу темир йўл қурилишида асосий ва ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. Улан-Батор—Цзенин темир йўли мўғул халқининг миллий экономикасини ва маданиятини ривожлантиришда ғоят катта прогрессив аҳамиятга эгадир ва бу темир йўл СССР, МХР ва ХХР қардош халқларининг қардошларча дўстлиги ҳамда ҳартомонлама ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мўғулистон — Хитой чегарасигача темир йўл қурилишида Совет Иттифоқи томонидан кўрсатилган бебаҳо ёрдам совет халқининг ва совет халқи ҳукуматининг меҳнаткаш халқимизнинг манфаатларига самимий э'тибор бераётганлигини ёрқин исбот этади, Совет Иттифоқининг тинчликсеварлигини ёрқин исбот этучи далилдир.

Совет халқига коммунизм қурилишида, бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда бундан буён ҳам буюк муваффақиятлар қозонишини чин кўнгилдан исташга ижозат бергайсиз.

МХР Бош Министри Ю. ЦЕДЕНБАЛ.

Улан-Батор, 1955 йил 30 декабрь.

Судон Бош министри Ҳазрат олийлари ИСМОИЛ АЛ-АЗХАРИ жанобларига ТЕЛЕГРАММА

ХАРТУМ

Ҳазрат олийлари, Судон мустақиллиги э'лон қилинганлиги муносабати блан Совет Ҳукуматининг самимий табригини қабул қилишингизни сўрайман.

Совет Ҳукумати халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилашдан иборат буюк принципга амал қилиб ва Судоннинг адолатли миллий интилишларини ҳурмат қилиб, Судонни мустақил ва суверен давлат сифатида таниганлигини тантанали равишда изҳор қилади ҳамда Судон блан дипломатик, консульлик ва савдо муносабатлари ўрнатишга ва дипломатик ваколатхоналар айирбошлашга тайёр эканлигини билдиради.

Совет Ҳукумати шунга аминдирки, Судон мустақиллигининг э'лон қилиниши, шунингдек СССР блан Судон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши халқаро ҳамкорликни кучайтиришга, умумий тинчликни ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Совет Иттифоқининг халқлари Судон халқига Судоннинг давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, унинг миллий экономикаси ва маданиятини юксалтириш ишида ҳар жиҳатдан муваффақиятларга эришувини тилайдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. БУЛГАНИН.

Москва, Кремль. 1956 йил 3 январь.

Германия Демократик Республикасининг Президенти Вильгельм Пикнинг 80 йиллиги байрамида қатнашучи Совет делегацияси Берлинга келди

БЕРЛИН, 2 январь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг Президенти Вильгельм Пикнинг 80 йиллиги байрамида қатнашиш учун СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов бошчилигидаги Совет делегацияси бугун Берлинга келди. Делегация составида П. Н. Поспелов, О. В. Куусинен, Е. Д. Стасова, Г. М. Пушкин бор.

Германия Демократик Республикаси ва СССРнинг давлат байроқлари блан, шунингдек тантаналарда қатнашиш учун делегациялари Берлинга келган бошқа мамлакатларнинг давлат байроқлари блан безатилган Шарқий вокзалда совет делегациясини ГДР Халқ палатаси Президиумининг Раиси И. Дикман, ГДР бош министри О. Гротеволь, ГДР бош министрининг биринчи ўринбосари ва Германия бирлашган социалистик партияси Марказий комитетининг биринчи секретари В. Ульбрихт, ГДР бош министрининг ўринбосарлари, Германия бирлашган социалистик партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'золари ва бошқа раҳбар арбоблар, шунингдек Берлин жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.

Совет делегациясини Германия Демократик Республикаси Президенти В. Пикнинг 80 йиллиги муносабати блан ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун Берлинга келган четэл давлатлари делегацияларининг бошлиқлари ва а'золари, дипломатия корпусининг а'золари ҳам кутиб олдилар.

Неча минглаб берликлилар совет делегациясини табриклаш учун Шарқий вокзалга келдилар.

Вокзал олдидаги майдонда Берлин меҳнаткашларининг митинги бўлди.

Митингни Германия бирлашган социалистик партияси Берлин ташкилотининг биринчи секретари А. Нейман очди. А. Нейман шуерда ҳозир бўлган кишиларнинг гулдурос қарсаклари ва табрик хитоблари остида совет делегациясининг раҳбари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловни ва делегация а'золарини қизғин табриклади.

Шундан кейин митингда ўртоқ К. Е. Ворошилов нутқ сўзлади. Митинг қатнашчилари ўртоқ К. Е. Ворошиловнинг нутқини зўр э'тибор блан тингладилар. Бу нутқ кўп марта гулдурос қарсаклар блан бўлиниб турди.

Ўртоқ К. Е. ВОРОШИЛОВ нутқи

Қадрли ўртоқлар, дўстлар!

Совет Иттифоқи делегацияси отоқли давлат арбоби ва сиёсий арбоб — Германия Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Вильгельм Пикнинг 80 йиллиги муносабати блан ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун Германия Демократик Республикасининг пойтахти Берлинга келди. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Биз, немис халқи блан, дўст мамлакатлар ҳукуматларининг ва қардош компартияларнинг вакиллари блан биргаликда ана шу шонли байрамда қатнашаолганлигимиз учун бахтлимиз. **(Қарсаклар).**

Замонамизнинг ажойиб кишиси ўртоқ Пикнинг бутун фаолияти герман халқи прогрессив кучларининг меҳнаткаш халқ ўз мамлакатининг ва ўзи вужудга келтираётган барча бойликларнинг эгаси бўладиган Германияни яратиш учун олиб бораётган кураши блан боғланган. **(Қарсаклар).**

Биз, шу нарсани хурсандчилик блан қайд қиламизки, Германия меҳнаткашлари Германия Демократик Республикасидан иборат ана шундай давлатни вужудга келтирдилар. Германия Демократик Республикаси ташкил топганидан буён ўтган қисқа вақт ичида катта муваффақиятларга эришдики, бу нафса унинг ҳамма дўстларини қувонтирмоқда.

Германия Демократик Республикаси демократик лагерьдаги мамлакатларнинг қардош оиласида тенҳуқуқли а'зо сифатида мустаҳкам суратда ўз ўрнини эгаллади. Ана шу мамлакатлар блан бўлган дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши Германия Демократик Республикасининг сиёсий, хўжалик ва маданий жиҳатдан янада юксалишига ва унинг халқаро миқ'ёсдаги обрўсининг тўхтовсиз ўсишига ёрдам беради.

Немис халқининг тинчликка ва мамлакатнинг миллий бирлигини қайтадан тиклашга интилаётганлиги совет халқига яқин ва тушунарлидир. Биз Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг, Германияни қайтадан бирлаштириш тўғрисидаги масалани ҳал этишнинг бирдан-бир реал йўли Германия Демократик Республикаси блан Германия Федерал Республикаси ўртасида бамаслаҳат бир қарорга келишдир, деган фикрига тамомила қўшиламиз. **(Қарсаклар).**

Совет Иттифоқи халқлари номидан Берлин аҳолисига ва Германия Демократик Республикасининг барча меҳнаткашларига самимий, дўстона салом топширишга ва уларнинг герман халқи бахт-саодати йўлидаги ижодий меҳнатида янгидан-янги муваффақиятларга эришишларини исташга ижозат бергайсиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин Германия Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Вильгельм Пик! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Яшасин Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Яшасин ва мустаҳкамлансин совет-герман дўстлиги! **(Гулдурос, давомли қарсаклар, «Дўстлик!» Фрейндшафт!» деган хитоблар).**

* * *

Шундан кейин совет делегациясини Берлин меҳнаткашлари номидан «Фортшрит» фабрикасининг вакили Марта Ульбрихт ва техника палатаси Берлин бўлимининг раиси инженер Пэтц қизғин табриклидилар.

Митинг герман-совет дўстлиги шарафига уч марта «ура» сўзини айтим блан тамом бўлди.

Судон парламенти сенатининг раиси жаноб олийлари АҲМАД МУҲАММАД ЯСИНГА ТЕЛЕГРАММА

ХАРТУМ

Раис жаноблари, Судон парламентининг Судон мустақиллигини э'лон қилиш тўғрисидаги тарихий қарори муносабати блан СССР Олий Советининг самимий табрикларини ва энг яхши тилакларини қабул қилгайсиз.

Совет Иттифоқи Олий Совети Судон халқининг гуллаб-яшнашини ва миллий тараққиёт ҳамда давлат суверенитетини мустаҳкамлаш ишида энг яхши муваффақиятларга эришувини тилайди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси

А. ВОЛКОВ

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси

В. ЛАЦИС

Москва, Кремль
1956 йил 3 январь.

Судон парламенти депутатлар палатасининг раиси жаноб олийлари БОБОКИР АВАДАЛЛЕГА ТЕЛЕГРАММА

ХАРТУМ

Раис жаноблари, Судон парламентининг Судон мустақиллигини э'лон қилиш тўғрисидаги тарихий қарори муносабати блан СССР Олий Советининг самимий табрикларини ва энг яхши тилакларини қабул қилгайсиз.

Совет Иттифоқи Олий Совети Судон халқининг гуллаб-яшнашини ва миллий тараққиёт ҳамда давлат суверенитетини мустаҳкамлаш ишида энг яхши муваффақиятларга эришувини тилайди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси

А. ВОЛКОВ

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси

В. ЛАЦИС.

Москва, Кремль
1956 йил 3 январь.

1906 ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ 1956

☆ ☆ ☆

Катта ғамхўрлик туфайли

Мен бундан 34 йил илгари паровоз бригадасига оддий ишчи бўлиб ишга кирган эдим. Кейин коллективнинг ёрдамида слесарьлик ва строгальщчик касбларини эгалладим. 27 йилдан бери Тошкент тепловоз депосининг механик цехида ишлаб келаётирман.

Бу давр ичида бола-чақали бўлиб, набиралар ҳам кўрдим. Янги уй қурдим. Катта ўғлим Рўзи заводда контролёр, катта қизим Турсуной техник бўлиб ишлайди. Кичик қизим Турғуной эса ўзим билан бирга депода ишламоқда. Оиламиздагиларнинг ҳаммаси ҳам ўз меҳнати туфайли бахт топган.

Мен жуда кўп ёшларга ҳунар ўргатдим. Уларнинг кўпчилиги ҳозир цехимизнинг илғор ишчилари бўлиб етишдилар. Улар смена ва ойлик топшириқларини ҳардоим ошириб бажараётирлар. Ўзим ҳам илғор шогирдларимдан қолишмаслик учун мусобақалашиб, 1960 йил ҳисобига ишламоқдаман.

Оилангдаги ҳамма киши ҳунарли бўлса, ҳаётинг ҳам жуда завқли бўлар экан. Ҳозир ҳаммамиз ўз корхонамиздаги мусобақадошларимиздан ташқари оила а'золаримиз билан ҳам мусобақалашаётирмиз.

Бундай завқли ҳаётга Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг катта ғамхўрлиги туфайли эришдик. Бизнинг мамлакатимизда меҳнат киши қадр-қимматини оширди. Менинг меҳнатим орден ва 4 марта Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан та'кидланди.

Цехимиз коллективи КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, 1955 йил топшириғини 203 процентга етказиб бажарди. — Бу Тошкент темир йўлининг 50 йиллиги кунига аталган совғамиз бўлади.

Н. БОЗОРБОЕВ,
Тошкент паровоз депоси механика цехининг строгольщчиги.

Рационализаторлар сафи кенгаймоқда

Темир йўлнинг Тошкент бўлимида рационализаторлик ва ихтиро'чилик ҳаракатини оммавий тус олдириб юбориш, актив рационализаторлар сонини кўпайтириш ва улар киритган таклифларни ишлабчиқаришга жорий этиш юзасидан катта ташкилий ишлар қилинмоқда. Шу йилнинг ўзида икки марта рационализаторлик таклифлари тўплаш ойлиги э'лон қилинди. Бўлим БРИЗида рационализаторлар билан ишлаш, уларга ижодий ишларда ёрдам бериш, муҳим масалаларни ишлабчиқаришда малакали ва бўлган ишчи ва мастерларга инженер-техникларнинг ёрдамини уюштириш анча яхши йўлга қўйилган.

Бу ишлар самарали натижалар бермоқда. Декабрь ойида э'лон қилинган рационализаторлик таклифлари тўплаш ойлиги давомида кўпгина қимматли таклифлар ўртага ташланди. Улардан 57 таси кўриб чиқилиб, ишлабчиқаришга жорий этиш учун қабул қилинди, 26 таси эса ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилди. Бу таклифлар давлатнинг бирнеча юз минг сўм маблағини тежашга имкон беради. И. Алёхин, П. Соловьёв, М. Эйрежепов, М. Мешчеряков, А. Алабин ўртоқлар сингари ўнлаб рационализаторлар бу ишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Тошкент паровоз депосининг инженери Иван Алёхин иш фаолияти давомида 50 дан ортиқ қимматли рационализаторлик ва ихтиро'чилик таклифлари киритди.

А. ЛЕВШИН.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

* Тошкент темир йўлида вагонлар обороти 1955 йили 1913 йилдагига қараганда 3 ҳисса кўпайди.

* 1913 йилда Тошкент темир йўлида ҳарбир паровоз суткасига ўрта ҳисоб блан 141 километр йўл босган бўлса, ҳозир 450-500 километр йўл босмоқда.

* Ҳозирги пайтда поездларнинг ўртача оғирлиги революциядан аввалгига нисбатан 3 ҳисса кўпайди, тезлиги эса 2 баравар ортди.

* 1946-1955 йиллар мобайнида Тошкент темир йўл хўжалигига 500 миллион сўм маблағ сарфланди.

* Тошкент темир йўлига тепловозларнинг кўплаб келтирилиши натижасида локомотив хўжалигида сарфланадиган асосий харажатлар 60 процент камайди.

* 1955 йили кўпмингчи машинистлар 40 мингдан кўп оғирлиги поездларни бошқариб, нормадагидан 14 миллион тоннага яқин кўп юк ташидилар.

ҚАДРДОНЛАР

—Михаилмисан, оббо сен ой, саломатмисан! Қўл беришиб қуюқ кўришиб кетган оппоқ сочли, темирйўлчилар кийими формасидаги тетик чолларнинг суҳбатини атрофдагилар завқ блан тингларди.

— Оғайни қариб қолибсан, шекилли, — деб миннида қулади улардан бири.—Қаранг-а, ҳа демай 50 йил ўтиб кетипти. Келган вақтимизги дастлабки йиллар, сен блан бирга ўтказган кунларим сра эсимдан чиқмайди.

Тенгдошлардан Семён Филиппович гапга аралашди:

— Эслайсизларми? Мен стрелкачи бўлганимда составда 14 вагон бор эди, улар ўртасидан арқон тортилиб, қўнғироқ осиб қўйиларди. Агар машинист бир иш бўлса, ҳарбир вагондаги қўнғироқни бирма-бир тортиб, чақирарди, — деб ҳаммани кулдирди.

—Нимасини эйтасан, мен Урсатьевск станциясига келганимда 13 та лойдан қилинган уй бор эди, холос. Станцияда ҳаммаси бўлиб 10 киши ишлардик. Шунга ҳам роса 43 йил бўлди. 1913 йилда Урсатьевскнинг тақир чўл эканлиги сра кўз ўнгимдан кетмайди, — дейди Остроухов.

Қадрдонлар ўтмишни эслар эканлар, Тошкент темир йўлининг ривожланиш тарихини бир-бирларига завқ блан сўзлаб берадилар.

Самарапинг узоқ қишлоғидан 1900 йилда Тошкентга, сўнгра Урсатьевск темир йўл станциясига ишга келган Иустин Лукьянович Агальцев ҳам миллионлар қатори Улуғ Октябрь гўёшидан бахраманд бўлди. У, оила қуриб фарзанд кўрди, уларни тарбиялаб, Коммунистик партиянинг ғамхўрлигида воғга етиштирди.

Иустин Лукьянович эса оддий морзедан мураккаб техникани эгаллайборган Тошкент темир йўли тараққиёти блан бирга ўсиб, улғайган киши. Унинг катта қизи Надежда Самарқанд шаҳридаги институтлардан бирида дарс беради, фан кандидати. Кичик қизи Вера эса Қарағанда шаҳрида врач бўлиб ишлайди. Нуроний чол Агальцевни станция коллективи Тошкент темир йўлининг донгдор командирларидан бири деб танийди. Иустин Лукьянович 56 йилдан бери узлуксиз равишда Урсатьевск темир йўли телефон-телеграф станциясида ишлаб келади. У оддий телеграфистликдан телефон-телеграф станциясининг бошлиғи даражасига кўтарилди. Унинг кўксидаги Ленин ордени ва бошқа меҳнат соҳасида эришган ютуқларини тақдирлаб берилган медальлар нуроний чолнинг совет темирйўлчилари шонли курашида актив қатнашганидан далолат беради.

Агальцевнинг қадрдонларидан бири бўлган 72 ёшли Семён Филиппович Складаний Урсатьевск станциясига 1914 йилда оддий стрелкачи бўлиб келиб, кейинчалик оператор бўлиб ишлади. Семён Филиппович Коммунистик партия, Совет ҳукуматининг Ватанимиз олдида турган вазифаларини бажариш ҳақидаги чақириғига жавобан меҳнат қилиб, бахтли ҳаётга эришган қариялардан бири. У, вагонлар оборотини тезлатиш, юк ташиш ва юк ортишни мақсадга мувофиқ уюштиришда катта тажрибага эга. Бу соҳада Тошкент темирйўлчилари қанчалик катта муваффақиятга эришаётган бўлса, Складанийнинг ҳам унда катта ҳиссаси бор. Семён Филиппович тенгқурлари қаторида мас'ул участкада ғайрат блан ишламоқда.

Осмотрчи Семён Фёдорович Остроухов Урсатьевск станциясида 42 йилдан бери ишлаб келади. Темир йўл транспортида осмотрчининг роли жуда катта. Агар осмотрчи пухта, аниқ ишламаса, поездлар аварияга учраши мумкин. Семён Фёдорович шу ўтган давр мобайнида ўз малакасини тинмай ошираборди. Шунинг учун Семён Фёдорович кексалигига қарамай, юк ортиш ва юк тушириш ишини ҳаммадан яхши ташкил этиб, берилган топшириқни ҳардоим ошириб бажариб келаётир. Семён Фёдорович ўз қадрдонларидан қолишмаслик учун курашиб, вагонларни мумкин қадар кўпроқ юк ташиши, станцияда уларнинг бекор туриш вақтини мумкин қадар қисқартириш усулларини қидириб топмоқда.

Қадрдонлардан яна бири Степан Иванович Костюкдир. Степан Иванович Ўрта Осиёга 1916 йилда келиб, дастлабки даврда оддий ишчи бўлиб, кейин Урсатьевск темир йўл станциясига ишга кирди. Бирнеча йиллардан сўнг у оператор бўлиб етишди. Степан Ивановичнинг бутун оиласи темирйўлчилардир. Унинг катта ўғли Николай темир йўлда ревизор, кичик ўғли Виктор эса Ашхобод темир йўлида ўз ота касбида ишламоқда.

Бу кекса қадрдонлар Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина оила қилиб, фарзандли, бадавлат бўлиб етишдилар. Улар кўп йиллардан бери темир йўлда ишлаб, халқ хўжалиги юкларининг манзилга тўхтовсиз етказилишида, Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкам бўлишига муносиб ҳисса қўшаётган ватанпарвардирлар. Ҳукуматимиз Тошкент темир йўли тараққиётида эришилган муваффақиятларга қўшган ҳиссаларини тақдирлаб, уларни Ленин ордени блан мукофотлади. Тошкент темир йўлининг эллик йиллиги кунида бу кекса қадрдонларнинг номи коллектив томонидан фахр блан тилга олинмоқда. Қадрдонларнинг кўкрагидаги Ленин ордени уларнинг нуроний юзларига яна нур ёғдириб турипти.

З. ШОКИРОВ.



Суратда: Тошкент темир йўлининг ветеранлари (чапдан ўнгга): Степан Иванович Костюк, Семён Фёдорович Остроухов, Иустин Лукьянович Агальцев ва Семён Филиппович Складаний ўртоқлар.
М. Комлев фотоси.

☆ ☆ ☆

Яна ғайрат блан ишлайман

1938 йилнинг октябрь ойи сра эсимдан чиқмайди. Мен ўша вақтда депога оддий кочегар бўлиб ишга келдим. Кейин бироз вақт ўтгач, ёрдамчи машинист тайёрловчи олтийлик курсга кириб ўқиш истагини билдирдим. Депо раҳбарлари менинг бу илтимосимни қайтармади. Курсда ўқиб, ёрдамчи машинист, сўнгра машинист бўлиб етишдим.

Машинист бўлиб иш бошлаганимда дастлабки даврда анча қийналдим, чунки тепловозда ишлаш анча мураккаб бўлиб, унинг технологик хусусиятларини яхши билиш талаб қилинар экан. Шунинг учун кўпроқ илғорлар тажрибасини ўргандим, техникага доир китобларни ўқидим.

Илғор машинистлар поездларга мумкин қадар кўпроқ юк ортиш усули блан локомотивларга сарфланадиган ёқилғини тежаш ва юк ташишга кетадиган харажатларни камайтиришга эришмоқдалар. Мен ҳам илғорларнинг методини қўллаб ва локомотивни техника жиҳатдан доимо намунали тутиб, бу соҳада бирмунча ютуқларни қўлга киритдим. Жумладан, локомотивнинг техника тезлигини ҳар соатига 0,6 километр оширдим, ўтган 1955 йилда 144 оғир юкли составларни бошқариб, уларда пландан ташқари 39 минг 129 тонна юк ташидим. Шу давр ичида 2847 килограмм ёқилги тежадим.

Тошкент тепловоз депосининг коллективи 1955 йилни меҳнатда катта муваффақиятлар блан якунлади. Коллективимиз КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, Тошкент темирйўлчиларининг шонли байрамини меҳнатда муносиб совғалар блан кутиб олмоқда.

Янги йилда мен ҳам бутун коллективимиз қаторида астойдил ишлайман, эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш мақсадида қўшимча равишда кўплаб юк ташиб бераман.

Ю. ТУЛАГАНОВ.
Тошкент тепловоз депосининг машинисти.

Юклар кўп ва тез ташилмоқда

Темир йўл Тошкент бўлимининг Тошкент-товар станциясида кечасию-кундуз иш бир минут ҳам тўхтамайди. Станцияга ҳар икки томондан узлуксиз равишда минглаб вагонлар келиб туради. Уларни белгиланган йўналишига қараб тўғрилаш, юк ортиладиган ва туширилади ган жойга тезда етказиб бериш — станция коллективининг шарафли бурчидир. Ўнлаб поезд тузучилар, стрелкачилар, башмакчилар ва бошқа касб эгалари бу шарафли бурчни муваффақият блан адо этиш учун зўр маҳорат блан ишламоқдалар.

Энг яхши поезд тузучилар шу кунларда КПСС XX с'езди шарафига ўзаро мусобақани қизитиб, ҳар куни нормадагидан 300—400 тонналаб кўп юк ташийдиган оғир составли поездлар тузмоқдалар. Илғор поезд тузучилар бригадасининг бошлиғи Г. Бармин бригада а'золари ўртасида ишни намунали ташкил этиш натижасида ойлик топшириқни 140—145 процентга етказиб бажармоқда. Станцияда бундай бригадаларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам декабрь ойининг ўзида жўнатилган поездларнинг ярмидан кўпи оғир составли бўлди. 20 кун ичида 300га яқин оғир юкли поезд жўнатилиб, уларда белгиланганидан 130 минг тонна ортиқ халқ хўжалиги юклари ташилди.

Л. АЛЕКСАНДРОВ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

* Ҳозир бирнеча поликлиника ва даволаш пунктларида 505 врач, 303 фельдшер темирйўлчиларга медицина хизмати кўрсатмоқда.

* Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти, 4 техникум ва бошқа бирнеча ўқув юртлари ҳар йили юзлаб малакали кадрлар тайёрлаб чиқармоқда.

* Бешинчи бешйилликнинг ўзида темирйўлчиларга 60 минг квадрат метр янги уй-жой қуриб берилди.

* 1906 йилда Тошкент темир йўлида атиги 5 мактаб бўлиб, уларда 561 бола ўқиган бўлса, ҳозир 112 та мактабда 30 мингдан кўпроқ бола тарбиялаимоқда.

* Темирйўлчилар Маданият саройи, 20 клуб, 36 киноустановка, 36 кутубхона, 300 га яқин қизил бурчак ва бирнеча вагон-клублар темирйўлчиларга намунали маданий хизмат кўрсатмоқда.

* Кўп йилдан бери яхши ишлаб келаётгандиги учун темирйўлчилардан 9738 киши давлат томонидан орден ва медальлар блан тақдирланди.

Тошкент темирйўлчиларининг шонли йўли

Бундан эллик йил муқаддам — 1 январь 1906 йилда Тошкентдан Оренбурггача бўлган темир йўл қурилиши тамомланиб, унда поездлар қатнови бошланди. Ўрта Осиёни Россиянинг Европа қисмидаги марказий районлари блан боғловчи бу темир йўлнинг қурилиши стратегик жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўтган асрнинг охирларига қадар Ўрта Осиёда темир йўл бўлмаган эди. Карвонлар блан алоқа боғлаш асосий восита ҳисобланарди.

Тошкент темир йўлининг қурилиши 1900 йилнинг кузида бошланди. Қурилиш ишлари айни бир вақтнинг ўзида Оренбург томонидан ҳамда Тошкент томонидан бошланди. Темир йўл қурилишидаги ҳамма ишлар, жумладан кўприк қуриш, труба ўтказиш, из ёғдизиш ва бошқа ишлар ҳеч қандай механизациясиз, фақат қўл кучи ёрдами блан бажарилди. 1906 йилнинг 1 январида темир йўл қурилиши битказилиб, фойдаланишга топширилди. Темир йўлнинг ишлайбошлаши натижасида ишлаб чиқаручи кучларнинг тез темплар блан ўсиши учун жуда катта имкониятлар яратилди.

Илгари чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаси ҳисобланган Ўрта Осиё совет ҳокимияти йилларида саноати ривожланган, сермаҳсул қишлоқ хўжалигига эга бўлган, гуллаб-яшнаётган ўлкага айланди. Шу давр ичида Тошкент темир йўли ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Тошкент темир йўли Ўзбекистон, Жанубий Қозоғистон ва Қозоғистоннинг Қизил Ўрда области, Шимолий Тожикистон ҳамда ғарбий-жанубий Қирғизистон районларига хизмат кўрсатади. Бу районлар Ўрта Осиёнинг энг муҳим саноат ва қишлоқ хўжалиги районларидир.

Ўтган йиллар мобайнида Тошкент темир йўлида энг муҳим халқ хўжалиги юклари ташиш ҳажми кўп марта ошди. Айниқса пахта, кўмир, нефть маҳсулотлари, бинокорлик материаллари ва шунга ўхшаш бошқа хил юклар ташиш кўпайди. Масалан, 1906 йилдагига нисбатан кўмир ташиш 175 марта, нефть маҳсулотлари ташиш эса 13 баравар кўпайди.

Ўзбекистон республикаси Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг, даставвал улуғ рус халқининг оғаларча берган ёрдами туфайли тез сур'атлар блан ривожланди. Урушдан олдинги бешйилликлар даврида 400 га яқин саноат корхонаси қурилди. Ўзбекистон энди ўзининг пахтаси, қоракўли ва мевалари блангина эмас, балки юксак тараққий этган саноати блан ҳам фахрланади. Республика саноати энергетика пўлат ва прокат, компрессорлар, кучли кўтарма механизмлар, экскаваторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, шахталар учун ускуналар. тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати учун турли хил асбоб-ускуналар, кабель маҳсулотлари, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Халқ хўжалиги барча тармоқларининг ривожланиши темир йўл транспортининг юксалиши блан бевосита боғлиқдир.

Улуғ Ватан уруши йилларида Фарҳод ГЭСи ва металлургия заводи қурилиши бошланди. Бу ишларни бажаришда темирйўлчилар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. 1943—1945 йиллар мобайнида юқоридаги қурилишлар учун 252 минг тоннадан ортиқ бинокорлик материаллари ташиб берилди. Шунингдек, Ўзбекистон қочегарқаси ҳисобланган Оҳангарон кўмир ҳавзаси қурилишида ҳам темирйўлчилар кўпгина меҳнат сарфладилар. Оҳангарон шаҳрини республика пойтахти блан боғловчи темир йўл линияси қурилди ва ишга туширилди.

Ватанимиз Тошкент темир йўли коллективининг Улуғ Ватан уруши йилларида қилган фидокорона меҳнатини юксак қадрлади. Темирйўлчилардан 2561 киши орден, медаль, фахрий ёрлиқ ва значоклар блан мукофотланди.

Бутун совет халқи блан биргаликда Тошкент темирйўлчилари урушдан кейинги йилларда мамлакатимиз халқ хўжалиги ни тиклаш соҳасида жуда катта ишларни бажардилар. Улар ишдан чиққан паровоз ва вагонларни тузатиш, темир йўлларни ремонт қилиш, урушда вайрон бўлган районларга асбоб-ускуналар ва бошқа зарур материаллар етказиб беришда анча ишлар қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари совет халқи олдига социалистик оғир индустрия негизида халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада кескин ривожлантириш вазифасини қўйди. Бу улуғ ва шарафли вазифани бажариш — Тошкент темирйўлчиларидан янада фидокорона ишлашни талаб қилади.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан илгари сурилаётган бу шарафли вазифаларни бажариш учун бизда ҳамма имкониятлар бор.

Партия ва Совет ҳукумати темирйўлчиларни янги техника блан тобора кўпроқ та'минламоқда. Кейинги йиллар мобайнида Тошкент темир йўлида йўл хўжалигини янги техника блан та'минлаш мақсадида бешюз миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Шу вақт ичида темир йўлнинг асосий воситаларини тиклаш учун 850 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Тошкент темир йўлининг энг кўп юк ташиладиган участкаларида иккинчи ишлар қурилди. Шунингдек, кам қувватли паровозлар энг янги кучли паровозлар блан алмаштирилди. Пассажир вагонлари ва юк вагонлари парклари тинмай янги типдаги вагонлар блан тўлдирилмоқда. Шу кунларда Тошкент темир йўлида кўпгина тепловозлар ишлаб турипти. Темир йўлга қарашли участкаларнинг бирида марказлаштирилган диспетчерлик усули қўлланилмоқда. Бу участкаларнинг станция ва раз'ездларида навбатчи ва стрелкачиларни кўрмайсиз. Поездлар ҳаракатини бор-йўғи 2 киши бошқаради ва назорат қилади, холос.

Темир йўл қурилишидаги ҳамма ишлар, жумладан из ёғдизиш ва бошқа ишларнинг ҳаммаси тўла механизациялаштирилган. Экскаваторлар, бульдозерлар, автосамосваллар, путеукладчиклар, балластировка машиналари ва бошқа механизмлар темир йўл қурувчиларнинг меҳнатини енгилаштириб, уларнинг иш шароитини тубдан ўзгартириш юборди.

Урушдан кейинги бешйилликлар мобайнида темир йўлда юк ташиш ҳажми 3,2 баравар ортди. Темир йўл ишларининг яхшиланишида маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг оммо орасида олиб борган жуда катта ташкилотчилик ишлари, кадрларнинг сиёсий ва техника савиясини тинмай ошиши, темир йўл ходимларининг меҳнат соҳасидаги активлигининг кўтарилиши ҳал қилучи роль ўйнади.

Партия ва ҳукумат темир йўл транспорти кадрларининг сафини тинмай ўстириш тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Октябрь революциясигача Ўрта Осиёда битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди. 1906 йилда Тошкент темир йўлида бор-йўғи 5 мактаб бўлиб, уларда 561 киши ўқир эди. Ҳозир эса Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ва 4 темир йўл техникуми Ўрта Осиё ва Қозоғистон темир йўл транспорти учун ҳар йили кўплаб юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Тошкент темир йўлида 112 мактаб бор. Уларда 30 мингдан ортиқ бола ўқимоқда.

Темир йўл транспорти блан бир қаторда унинг коллективи ҳам ўсди. Революциягача бўлган даврда ўзбек, қозоқ ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг вакилларининг темир йўл транспортида ишлашлари чеклаб қўйилган эди. Буни 1906 йил 8 декабрьда ҳаракат службаси бўйича чиқарилган циркулярдан яққол кўриш мумкин. Унда бундай дейилган эди: «... маҳаллий миллат вакиллари старший ишчиликка ярамайди». Ҳозир эса темир йўлда маҳаллий миллат вакилларидан 17 мингдан ортиқ киши ишлаб турипти. Энди совет тепловозларини М. Нурмуҳаммедов ва Д. Султонов, икки секцияли кучли тепловозни ўзбек қизи Башорот Мирбобоева бошқараётганлигини кўриб ҳеч ким ажабланмайди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари машинист Башорат Мирбобоева, Қўқон бўлимининг диспетчери Санобар Ҳожиматова, Хонобод станциясининг бошлиғи Тожихон Раҳимова ва бошқа кўпгина ўзбек хотин-қизлари меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар ва жамоат ишларида актив қатнашиб, ҳаммага намуна кўрсатмоқдалар.

Партия ва Ҳукумат темирйўлчиларнинг моддий-маданий даражасини яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Ҳозир Тошкент темир йўлида 505 врач, 303 фельдшер, 317 акушер ва юзларча бошқа мутахассислар ишлаб турипти. Биргина 1946 — 1955 йиллар мобайнида 60 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой майдони темирйўлчиларга фойдаланишга берилди. Тошкент, Арис, Ўрсатьевск ва бошқа станцияларнинг темирйўлчиларига индивидуал равишда уй-жой қуриб олиш учун 10 миллион сўмга яқин давлат кредити берилди.

1917 йилгача Тошкент темир йўлида клуб ва театрлар мутлақо бўлмаган эди. Ҳозир эса Маданият саройи, 20 клуб, 36 киноустановка, 36 кутубхона, 300 га яқин қизил бурчак бор. Унча катта бўлмаган станция ва раз'ездларда ишлаётган темирйўлчиларга вагон-клублар, озиқ-овқат ва саноат товарлари блан та'минланган вагон-лавкалари, кўчма универсал магазинлар хизмат қилмоқда.

Партия ва Ҳукумат ҳалол меҳнат қилганларни юксак қадрламоқда. Тошкент темир йўлининг 9738 ишчиси узоқ йиллар давомида темир йўл транспортида ишлагانликлари учун орден ва медальлар блан мукофотланганлар.

Партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрликларига жавобан темир йўл магистралининг кўпкишилик коллективи ишлабчиқаришда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритиш блан жавоб бермоқда. Вагонлар оборотини тезлаштириш, ташилаётган юкларнинг ташиш ва юк ортиш ишларини камайтириш, паровозларнинг юриш тезлигини ошириш учун бошланган кураш тобора кенг қулоч ёймоқда. Тошкент ва Арис деполарининг машинистларидан Акинфьев, Сотников, Султонов, Конин, Абдусолиев ва бошқа ўртоқлар бу соҳада айниқса яхши натижаларга эришмоқдалар. 1955 йилда кўп юкчи машинистлар белгиланганидан ортиқ юк ортилган 50 минг поездни бошқардилар ва пландан ташқари 15 миллион тоннага яқин юк ташиб бердилар.

Станцияларнинг ходимлари поездлар тузишнинг янги методларини қўлланиб, вагонларнинг бекор туриб қолишини тобора камайтирмоқдалар. Бу соҳада горозибонлардан Ахадов, Зокиров, Горшкова, Кладовщикова, Тажибоев ва бошқа ўртоқлар намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Вагонларга юк ортишнинг илғор методларини қўллаш натижасида 1955 йилнинг 11 ойи ичида 13 минг вагон бўшатиб берилди ва уларда қўшимча равишда 330 минг тонна юк ташилди.

Янги бешйилликда Тошкент темир йўлида юк ташиш яна ҳам кўпаяди. Коллективимиз КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб, бу соҳада дастлабки натижаларни қўлга киритдилар. Жумладан, янги техникадан фойдаланиш бирмунча яхшиланди, рационализатор ва ихтиро'чилар сафи кенгайди, фан блан ишлабчиқариш ўртасидаги ижодий ҳамкорлик мустаҳкамланди, бир қатор корхоналар бир ме'ёрда ишлайбошлади.

Лекин ютуқлар блан бир қаторда темир йўл транспортининг айрим соҳаларида ҳали жиддий камчиликлар ҳам мавжуд. Давлат планларини бажармаётган корхоналар ҳали ҳам бор. Темир йўл юк ташиш планини ошириб бажараётган бўлса ҳам, броқ юкларнинг айрим турлари бўйича берилган топшириқ бажарилмаётир. Бу эса ўз навбатида корхоналарни хомаш'ё блан узлуксиз равишда та'минлашни бузади ва уларнинг бир ме'ёрда ишлашига тўсқинлик қилади. Ишлабчиқариш новаторларининг прогрессив иш методларини оммалаштириш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари техника-иқтисодий кўрсаткичларни тубдан яхшилашга ёрдам беручи бу соҳага алоҳида э'тибор беришлари зарур. Шунингдек, темир йўлда ва унга қарашли корхоналарда техника прогрессини амалга ошириш ва шу асосда мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш соҳасида ҳам жуда катта ишларни амалга ошириш лозим.

Тошкент темир йўлининг кўп минг кишилик коллективи янги ва олтинчи бешйилликнинг биринчи йили ҳисобланган 1956 йилда ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф блан бажариш, жонажон Коммунистик партия XX с'ездини ишлабчиқаришда янги муваффақиялар блан кутиб олиш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарф қиладилар.

В. ХУЖАЕВ,
Тошкент темир йўли бошлиғининг ўринбосари.

Маҳаллий ва ёқилғи саноати Министрлигига қарашли Тошкент тикув фабрикасининг меҳнатсевар коллективи 1955 йил планини ортиғи блан бажариб, пландан ташқари 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Суратда: 1-нчи цехнинг илғор тикувчилари Е. Набиева ва В. Пак иш устида. Улар кундалик топшириқни 250 — 270 процент қилиб бажармоқдалар.

А. Аверьянов фотоси.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА

КОНЧИЛАРГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ЯХШИЛАНМОҚДА

«Узбекуголь» трестининг ишчилар та'миноти бўлими кончиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни кунсайин яхшиламоқда. 1955 йилда шаҳарда 2 ошхона, 4 ўқоп, 2 магазин қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди, ишчилар шаҳарчасида эса янги бозор очилди.

Шунингдек 9-нчи шахтада янги ошхона биноси қурилиб, ишга туширилди. 2 залдан иборат бўлган бу ошхона шахта коллективининг эҳтиёжларини тўла қондирмоқда. Бу ерда пиширилаётган овқатлар ассортиментининг хилма-хиллиги ва таомларнинг юқори сифатли қилиб тайёрланаётганлиги туфайли ошхонанинг товар оборoти кунсайин ошмоқда.

ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР

Ўртоқ Педчик раҳбарлигидаги участка коллективи Оҳангарон қурилиш бошқармасининг бинокорлари ўртасида катта обрў қозонган. Бу участка қурувчилари социалистик мусобақада голиб чиқиб, марказий поселкада аҳоли учун 12 та уй-жой биносини қуриб, фойдаланишга топширдилар. Биноларнинг умумий сатҳи 2121 квадрат метрга баравардир.

ШАХТЕРЛАР УЧУН ЛЕКЦИЯЛАР

Кончилар ўртасида лекция пропагандаси тобора яхшиланмоқда. Ҳар куни шахта ва разрезларда, саноат корхоналари ва клубларда қизиқарли, мазмундор лекциялар ўтказилади. Шахтерлар «Совет гражданининг ма'навий қиёфаси», «Биринчи рус революциясининг 50 йиллиги», «Кўмир саноатининг техника тараққиёти», «СССР Конституцияси — ғалаба қилган социализм конституциясидир» каби темаларда ўқилган лекцияларни зўр мароқ блан тингладилар.

Пропагандист-лекторлардан Артюх, Пак, Йўлдошев ва Винер ўртоқлар мазмунли лекция ўқиб, тингловчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

КЎПБОЛАЛИ ОНАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Кўпболали оналарнинг моддий-маиший аҳволини яхшилаш соҳасида катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Яқинда саккиз болали Хайриниса Абдураҳмонова, Бувиниса Салимова, Ким Хен Сун каби оналарнинг ҳарқайсисига 1250 сўмдан ёрдам пули берилди.

Ғ. ИСМОИЛОВ.

Бўкада шудгорлашга етарли э'тибор берилмаётир

«Ер ҳайдасанг куз ҳайда, кўз ҳайдамасанг юз ҳайда» дейди деҳқонларимиз. Бу мақол Бўка районидаги Каганович номли колхоз мисолида ўз ижодий ма'носини топмоқда. Шудгорнинг афзаллигини ўз тажрибаларида кўрган бу колхоз а'золари йиллик пахта тайёрлаш давлат планини бажардилар ва даладаги ҳосилнинг охирги граммигача йиғиштириб олиб, 1006 гектар ерда шудгорлашни бошлаб юбордилар. Колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Волошенко бригадасининг тракторчиларидан Х. Очилов, Т. Суяров ўртоқлар социалистик мусобақада олдинда бориб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Бригада шу кунгача пахта майдонининг 80 процентга яқинини шудгорлаб қўйди ва юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун МТСнинг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди ҳамда «Ҳурмат китоби»га ёзилди.

Мўл ҳосил гаровн бўлган кузги шудгорлаш райондаги ҳамма колхозда ҳам ана шундай яхши ташкил қилинган, деб бўлмайди. Кўпчилик колхозларда ҳархил сабаб ва баҳоналар блан шудгорлаш иши ҳаддан ташқари кечиктирилаётир. Район колхозларида ўтган йил ҳам пахта экиладиган ерлар кузда шудгорланмаганлиги сабабли кўкламда ер ҳайдаш учун қўшни район ва совхозлардан тракторлар келтирилган ва ерлар пала-партиш ҳайдалиб, чигит яхши ишланмаган ерларга экилган эди. Оқибатда ғўза парвариши ўз вақтида, юқори сифатли ўтказилмади. Бу, мўл ҳосил олишга салбий та'сир қилди.

Район пахта тайёрлаш планини аллақачон бажарган. Шу пайтгача ҳосили териб олинган ерлар ғўзапоядан тозаланиб, шудгор қилиб қўйилиши мумкин эди. Афсуски, план бажарилгандан кейинги мардурланиш шудгорлашни чўзилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Районда кузги шудгорлаш 15 декабрьда тамомланиши планлаштирилган эди. Лекин ана шу планга риоя қилинмаётган, график қоғоздагина қолиб кетаётганлиги сабабли 31 декабрьгача пахта майдонининг 45 проценти шудгор қилинди, холос.

Райондаги иккала МТС дирекцияси кузги шудгорлашга пухта тайёргарлик кўрмади. 1-нчи МТС ҳам, 2-нчи МТСда ҳам тракторлар ремонти ҳалигача тамом бўлгани йўқ. Ремонт уюшқоқсизлик ва ўзибўларчилик блан олиб борилгани натижасида 22та ҳайдов трактори МТС базаларида қаровсиз, бузуқ ҳолда ётипти.

1-нчи МТС зонасидаги Вильямс номли колхоз правлениеси 745 гектар ерни ғўзапоядан тозалаб, ҳайдашга тахт қилиб қўйган. Бироқ, МТС бу колхозда хизмат қилаётган Пияев ва Пирназаров ўртоқларнинг 3 та тракторини ҳалигача ремонт қилиб бермаган. Пирназаров бригадасига бириктирилган битта «С—80» трактори сифатсиз ремонт қилингани учун 60 гектар ерни ҳайдамасдан бузилиб ишлаб чиққан.

«Ленинобод» колхозининг раиси ўртоқ Тошпўлатов пахта йиғим-теримига қоникарсиз раҳбарлик қилгани сингари, шудгорлашга ҳам мас'улиятсизлик блан қарамоқда. Ҳосил аллақачон йиғиб олинган бўлишига қарамай, ерлар ҳалигача ғўзапоядан тозаланмаган. Бу колхоздаги иккита трактор бригадаси колхоз правлениесининг айби блан упумсиз ишламоқда. Плугатор ва сувчи бўлмаганидан тракторлар бирнеча соатлаб бекор туради. Бригада бошлиқлари ва дала мудирлари трактор бригадаси иши блан қизиқмайдилар ва уларнинг ҳолидан хабар олмайдилар.

Карл Маркс номли колхоз раҳбарлари барча имконият бўлатуриб, пахта тайёрлаш планининг бажарилишини та'мин этмадилар. Ҳозир эса шудгорлаш ҳам ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Колхозда меҳнат интизоми жуда бўш. Ғузапоя юлиш ва бошқа ишларда жуда ҳам оз киши ишлаётир. Колхоз раиси Ашуров, партия ташкилотининг секретари Исмоилов ўртоқларнинг беғамлик ва бепарволиги, колхозчиларни дала ишига тўла жалб қилаолмаётганликлари натижасида ҳалигача 400 гектардан кўпроқ ер ғўзапоядан тозаланганн йўқ. МТСдан юборилган тракторлар эса, ер тайёрланмаганидан кўп вақт бекор туради. Колхоз раҳбарлари тракторчилар учун қулай иш шароити яратиб бермаганлар.

Фақат бу колхозларда эмас, райондаги кўпчилик колхозда ҳам шудгорлаш иши ана шундай сансалорчиликка ташлаб қўйилган. Охунбобоев номли колхозда (раиси Хожиматов, агрономи Насруллаев ўртоқлар) иккита ДТ—54 трактори бирнеча кун бекор турди. Ерлар ғўзапоялардан тозаланмади. Натижада ғанимат фурсат қўлдан бой берилиб, шудгорлашга яқиндагина киришилди. Ленин номли колхозда ҳам шундай аҳвол юз берaётир. Бу колхозда хизмат қилаётган Дрягин бригадасига арава бириктирилмаган. Шу сабабли ёнилғи ўз вақтида етказиб берилмайди. Ана шундай уюшқоқсизлик натижасида тракторлар 2—3 соатлаб бекор туриб қолмоқда.

2-нчи МТС дирекцияси тракторларни ўз вақтида ремонтдан чиқариш тўғрисида қайғирмади. Шунинг учун ҳам МТС пландаги 6870 ўрнига 2460 гектар пахта майдонини шудгор қилиб, топшириқни 35,8 процент ado этди, холос. МТС зонасидаги «Ленинизм» (раиси ўртоқ Мирзажонов) колхозида 1359 гектардан 240 гектари шудгор қилиниб, план энди 17,8 процент бажарилди. Мичурин номли, «Сталинград», «Коммунизм», Тимирязев номли колхозлар ҳам шудгорлашда чиқаётган бўлмас даражада орқада қолмоқдалар. Жамбул номли колхозда 500 гектар пахта майдонининг энди 68 гектари шудгорланди.

Қисқаси, Бўка райони колхозларида шудгорлаш ҳаддан ташқари қоникарсиз олиб борилмоқда. МТС директорлари (Жиноделов, Журба ўртоқлар) шудгорлашга юзаки раҳбарлик қилиб, ўз бурчларини тўла бажармаётирлар, ғанимат фурсат қўлдан бой берилаётир. 1956 йилда ҳам мўл ҳосил етиштириш учун шудгорни тез ва сифатли тамомлаш керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Бўлинмас фондлардаги маблағлар ҳисобига

Областимиздаги колхозлар ва МТСлар бухгалтерларининг даромадларни тўғри тақсимлаш ва йиллик ҳисоботларни тузиш масаласига бағишланган семинари тўрт кун давом этди.

Бу йил область колхозлари пахтачиликдан кейин хўжаликда иккинчи аҳамиятга эга бўлган чорвачиликнинг ишлабчиқариш базасини мустаҳкамлашга асосий э'тибор бердилар. Бу ишга юз миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. 360 та сигирхона, отхона, паррандахона, чўчқахона ва бошқа бинолар солинди. Областьда молларни узоқ яйловларда боқиш усули кенг қўлланиладиганлиги муносабати блан Келес массивида ва Мирзачўлда сучук сув чиқадиган ўнларча қудуқлар қазилди. Область қишлоқ хўжалик артельлари электр моторлари, электр блан сут соғиш ва авто суғориш аппаратураси, «Малютка» трактори ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олиш учун кўп маблағ сарфладилар.

Наслдор чорва моллари сотиб олиш учун деярлик ўттиз миллион сўм сарфланди.

Колхозлар маккажўхори етиштиришга анча маблағ сарф қилдилар. Кўпгина қишлоқ хўжалиқ артельлари, шу жумладан Оржоникидзе районидаги «Қизил Узбекистон» колхози «Партизанка» деган сортнинг дурагай уруғларини сотиб олдилар. Бу эса, сўта ва кўк массадан юқори ҳосил олишга, 1954 йилдагига нисбатан беш баравар кўп силос бостиришга имкон берди. Консервалаштирилган озиқаларни сақлаш учун 910 дан ошиқ силос башняси қурилди.

Область қишлоқ хўжалик артельлари ишлабчиқариш ва маданий эҳтиёжлар учун бўлинмас фонддан ҳаммаси бўлиб 150 миллион сўмга яқин, и'ни ўтган йилдагига нисбатан олти миллион сўм кўп маблағ сарфладилар. (ЎзТАГ).

Колхоз қишлоғининг маданияти

КОЛХОЗ КУТУБХОНАСИДА

Областьнинг Октябрь районидаги Каганович номли колхоз кутубхонаси оқшом пайтлари ҳамавақт одамлар блан гавжум бўлади. Буерда 5 минг нусхадан ортиқ сиёсий, бадиий ва қишлоқ хўжалик китоблари бор. Шу йилнинг ўзидагина кутубхона учун яна 10 минг сўмлик ҳархил китоб сотиб олинди.

Кутубхона 200 доимий китобхонга эга. Уларнинг абонемент карточкалари колхоз қишлоғи меҳнаткашларининг китоб ўқишга бўлган ҳаваси қанчалик зўр эканлигини яққол кўрсатиб турипти. Мана колхозчи Кўзибой Қодировнинг абонемент карточкаси. Унда Пушкин, Лермонтов, Гоголь асарлари қайд этилган. Ўртоқ Қодиров бадиий адабиётлардан ташқари марксизм-ленинизм классикларининг асарларини ҳам ўқийди. Колхозчи Т. Қаюмжонова сўнгги вақтларда Ойбекнинг «Қутлуғ қон», И. Раҳимовнинг «Ҳаёт булоқлари», Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» ва бошқа асарларни ўқиб чиққан. Колхоз монтёри Анвар Одилов бадиий адабиёт янгиликлари блан бир қаторда «Оммавий радио», «Электротехника асослари» каби техника адабиётларини қизиқиб ўқимоқда.

Кутубхона мудири комсомол а'зоси А. Абдураҳимов қизиқарли китобларни танлашда колхозчиларга ёрдам беради. У дала ишлари вақтида дала шийпонларига адабиётлар етказиб беришни уюштирди.

1660 НУСХА ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБ

Тўрт колхоз почтальони сумкаларини тўлдириб ҳар куни кенг колхоз территориясининг турли томонига жўнайди. Посёлка аҳолиси 1 минг 500 нусха марказий, республика ва маҳаллий газета ҳамда журнал олади. Бундан ташқари, колхоз правлениеси 150 та яқин нусха ҳархил адабиётлар олиб, уларни бригадаларга тарқатади. Буларнинг ҳаммаси колхозчиларнинг мамлакатимиз ичкарисида ва унинг ташқарисида бўлаётган воқиалардан мунтазам хабардор бўлиб туришга қанчалик интилаётганликларидан, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг маданияти гоят ўсганлигидан дарак беради.

МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Ковунчининг бирорта деҳқони медицина ёрдами тўғрисида орзу қилаолмас эди. Ҳозир колхозчилар ўзларининг қишлоқ медицина муассасалари ҳақида ҳақли равишда фахрланиб сўзлайдилар. Буерда 25 ўринли касалхона, терапевтика ва тиш-врачлик кабинети бўлган амбулатория, туғуруқхона, аптека ишлаб турипти. Медицина муассасаларига тажрибали врачлар ва ўрта малакали медицина ходимлари раҳбарлик қилмоқдалар.

Колхоз посёлкасинги аҳолиси бепул медицина ёрдами олмоқда.

— 1955 йилда, — дейди туғруқхона бош врачи А. Я. Милюкова, — буерда 200 бола туғилди. Уларнинг ҳаммаси соғ ва саломат ўсмоқда.

Ўтган йилнинг ўзидагина касалхона ва туғруқхонани жиҳозлаш учун колхознинг бўлинмас фондидан 40 минг сўмдан ортиқ пул сарфланди.

Қишлоқ хўжалик артели колхозчиларга медицина хизматини янада яхшилаш мақсадида тез ёрдам машинаси сотиб олди.

И. ЮРОВСКАЯ.

Арманистон сан'аткорларининг концертлари

Суратда: ўтирганлар (чапдан) Сурия Каджар, Сергей Сергеев, Седа Сергеева, турганлар (чапдан) А. Парамазян, Я. Арутюнян, М. Тадрян, К. Априян ва Ж. Петросян.

В. Салов фотоси.

Яқинда Арманистон ССР давлат филармонияси миллий ансамблининг концертлари бўлиб ўтди.

Ансамбль ўзбек тингловчиларини арман ва озарбайжон халқларининг гўзал қўшиқ ва куйлари блан таништирди.

Арманистон ва Озарбайжон ССР халқ артисти Сурия Каджарнинг ижрочилик маҳорати пойтахт меҳнаткашларида чуқур таассурот қолдирди.

Концерт программасида Сурия Каджар томонидан ижро этилган мақом куйлари «Сегоҳ» ва «Касма Шикасте» ўзининг та'сирчанлиги ва мазмундорлиги блан катта ўрин тутади. Ма'лумки, озарбайжон мақомлари озарбайжон халқи музика ижодиётининг энг яхши намуналаридан ҳисобланади. Озарбайжоннинг отоқли композитори Узаир Ҳожибеков томонидан яратилган биринчи озарбайжон операси «Лайли ва Мажнун» мақомлари асосида яратилган эди. Ҳожибековнинг кейинги операси «Асли ва Карам», Маготаевнинг «Шоҳ Исмоил». Глиэрнинг «Шоҳсанам» ва бошқа операларида мақомлардан кенг фойдаланилган. Озарбайжон мақомлари асосида симфония асарлари ҳам яратилган.

Сурия Каджар зўр ижрочилик маҳоратини талаб қиладиган, мураккаб тузилишдаги «Сегоҳ» қўшиғини усталик блан ижро этди. У бундан ташқари қатор арман халқ қўшиқлари ва совет композиторларининг қўшиқларини ҳам усталиқ блан ижро этиб, тингловчилар ҳурматига сазовор бўлди.

Ансамбль солистласи Седа Сергеева ҳам хилма-хил ашулаларни айтиб, катта ижодий ютуққа эришди. Сергеева товушининг кичик диапазонда бўлишига қарамай, қўшиқларни тингловчиларга манзур қилаолди. Концерт бригадасининг чолғучилар ансамбли солистлари катта ижрочилик маҳоратига эгадирлар. Арман миллий чолғу асбобларига роялнинг жўр қилиши тингловчида кучли та'сир қолдиради. Бировозли халқ куйлари, ашула ва қўшиқлар унисон чолғу асбоблари ва рояль иштирокида ранг-баранг бўлиб жаранглайди.

Чолғучилар репертуарида ансамбльнинг бадиий раҳбари, Арманистон ва Озарбайжон республикасида хизмат кўрсатган артист Сергей Сергеев асарлари катта ўрин тутган. Репертуарда Сергей Сергеевнинг чолғу асарлари блан бир қаторда қўшиқ ва ашулалари ҳам катта ўрин эгаллаган. Унинг «Баҳор», «Севги қўшиғи», «Баҳор вальси», «Ой қиз» сингари лирик қўшиқлари ва тинчлик ҳақидаги ватанпарварлик қўшиқлари эшитувчилар томонидан қизғин қабул қилинди..

Сергей Сергеев раҳбарлигидаги арман халқ чолғу асбоблари ансамбли бир ой давомида Туркманистон, Тожикистон ва Узбекистон меҳнаткашларини арман халқининг ажойиб музика сан'ати блан таништирмоқда. Пойтахт тамошабинлари қардош Арманистон республикаси сан'ат ходимларининг концертларини зўр қизиқиш блан кўрмоқдалар.

М. АҲМЕДОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Кино хизмати яхшилансин

Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхоз а'золарига кино хизмати кўрсатишда кўпгина камчиликларга йўл қўйилмоқда. Аввало шуни айтиш керакки, кинофильмлар белгиланган вақтда кўрсатилмайди. Афишада фильм соат 8.30 минутда бошланади деб ёзиб қўйилади, бироқ кўрсатилган вақтда бошланмайди, ҳамавақт ярим соат, бир соат кеч бошланади.

Кўпинча кинофильм олдидан киножурнал кўрсатилмайди. Масалан, «Валачаев кунлари» ва «Янги соҳилга» номли кинофильмлар кўрсатилганда журнал кўрсатилмади. Шундай қоллар ҳам бўлдики, журнал 2 — 3 қисмдан иборат бўлатуриб, унинг фақат бир қисми кўрсатилади, холос.

Айрим вақтларда афишада э'лон қилинган фильм ўрнига бошқаси кўрсатилади ёки киноустановка бутунлай келмай қолади. Афишадаги «Солдат Иван Бровкин» ўрнига «Сорренгога қайт» номли фильм кўрсатилди , «Ҳатарли сўқмоқ» фильми қўйилади деб э'лон қилинган бўлса ҳам турли баҳоналар блан бу кинофильм кўрсатилмади.

Бу аҳвол ҳали ҳам давом этмоқда. Қишлоқ аҳолиси район маданият бўлимининг мудири Бозорбоев, кинолаштириш инструктори Қосимов ўртоқлардан кино хизмати кўрсатишни тубдан яхшилашни талаб қилмоқдалар.

Б. ПАРДАБОЕВ.

Аҳолини сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари блан тобора кўпроқ та'минлаймиз

КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларидан илҳомланиб, колхоз далаларида фидокорона меҳнат қилаётган Калинин районининг колхозчилари ва механизаторлари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш учун олиб борилаётган курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар. Район партия комитети ўз ишини КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорлари асосида қайта қуриб, асосий э'тиборни бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлашга, уларнинг хўжаликка раҳбарлик қилиш қобилиятини оширишга қаратди. Партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишлар савияси кун сайин яхшиланди. Колхозларни малакали раҳбар кадрлар, ишлабчиқариш бригадалари ва чорвачилик фермаларини коммунист ҳамда комсомолларнинг ҳисобига мустаҳкамлашга катта э'тибор берилди.

Ҳозир колхозларда ишлабчиқаришнинг барча соҳаларига асосан коммунистлар бошчилик қилмоқдалар. Коммунистлардан 21 киши полевод, 119 киши далачилик, қурилиш, ем-хашак тайёрлаш бригадаларининг бошлиғи ва ферма мудири, 17 киши звено бошлиғи, 19 киши табельчи ва фермаларнинг ҳисобчиси бўлиб ишламоқда. 200 га яқин коммунист эса оддий кетмончи, молбоқар, чўпон ва сут соғучи бўлиб ишлайди.

Колхозларнинг бошлаётгич партия ташкилотлари ана шу кўпсонли коммунистлар ва партиясиз активларга таянган ҳолда иш кўрмоқдалар. Колхозчилар оммасини қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун курашга тобора кенг сафарбар этаётирлар. Қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни тинмай кучайтирмоқдалар.

Район партия комитети ва колхозларнинг бошлаётгич партия ташкилотлари қишлоқ хўжалик ишларини тобора кўпроқ механизациялаштириш мақсадида бу йил колхозларда картошка ва сабзавот экинларини квадрат-уялаб экишни кенг жорий қилишга катта э'тибор бердилар. Колхоз ва МТС раҳбарларининг э'тибори ана шу муҳим масалага жалб этилди. Колхозчилар ўртасида эса бу усулнинг афзаллиги ва унинг ҳосилни оширишдаги роли ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада колхозларда 1306 гектар ерга картошка ва сабзавот экинлари квадрат-уялаб экилди ҳамда янги усулда парвариш қилинди. Бу эса экинларни экиш ва парвариш қилишда қўл меҳнатини кескин камайтириш, кўплаб меҳнат кунини тежаш блан бирга, мўл ҳосил олиш имкониятини берди.

Ташкилий ишларнинг тўғри йўлга қўйилиши ва қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигининг кучайтирилиши яхши натижалар берди. Район колхозлари давлатга пахта, ғалла, шоли, картошка ва сабзавот топшириш планини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Шунингдек давлатга полиз экинлари ва боғдорчилик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича белгиланган план ҳам тўла ado этилди.

Район партия ташкилоти чорвачилик фермаларининг ишини яхшилаш, чорвадорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, уларга маданий-маиший хизматни яхшилаш масалалари блан яқиндан шуғулланди. КПСС Марказий Комитети январь Пленумидан кейин чорвачиликда ишлаш учун қўшимча равишда юзга яқин коммунист ва комсомол а'зоси фермаларга юборилди. Чорвачилик фермаларида 6 партия группаси ташкил қилинди. Чорва моллари сонини кўпайтириш ва уларни боқишни яхши ташкил қилиш, чорвачиликдан олинадиган маҳсулот миқдорини кўпайтириш масалаларига катта э'тибор берилди. Натижада районда бу йил чорва моллари сони ўтган йилдагига қараганда энча кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди.

Район колхозларидаги 1086 бош соғин сигирнинг ҳаммаси йил бошида қўлда боқишга ўтказилди. Сигирларни қўлда боқишга ўтказиш ва уларнинг боқувини ҳартарафлама яхшилаш бу йил колхозларда сут маҳсулоти етиштиришни бирмунча кўпайтириш имконини берди. Шу йилнинг биринчи октябригача ҳарбир соғин сигирдан пландаги 1400 ўрнига 1746 килограммдан сут соғиб олинди, бу 1954 йили ҳарбир сигирдан бутун йил давомида соғиб олинган сутга нисбатан 502 литр кўпдир. Шунингдек гўшт, жун, тухум етиштиришда ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди.

Кўпчилик колхозларнинг бошлаётгич партия ташкилотлари коммунистларни ишлабчиқаришга тўғри жойлаштириш, уларнинг авангардлик ролини оширишда, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ва социалистик мусобақани яхши йўлга қўйиш йўли блан хўжаликнинг тобора ривожлантирилишини та'минламоқдалар.

Мисол учун, Сталин қишлоқ Советидаги Ворошилов номли колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ А. Қодирхўжаев)ни олайлик. У хўжаликка жуда яхши раҳбарлик қилмоқда. Колхоз коммунистларининг асосий кўпчилиги далачилик бригадалари ва чорвачилик фермаларида ишлайдилар. Партия ташкилоти ҳарбир коммунистнинг иши устидан доимий контроль олиб боради ва унлан ўзи ишлаётган участкадаги аҳвол учун жавобгарликни талаб қилади. Коммунистлар эса колхозчиларни сабзавот ва картошкадан мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ҳамда унинг маҳсулдорлигини ошириш учун курашга сафарбар этишда, улар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтиришда партия ташкилотига яқиндан ёрдам берадилар. Бу яхши натижалар бермоқда. Колхозда бу йил сабзавот ва картошкадан мўл ҳосил етиштирилди. 240 гектар ердаги картошканинг ҳар гектаридан 120 центнердан, 162 гектар ердаги сабзавотнинг ҳар гектаридан 150 центнердан ва 39 гектар ердаги полиз экинларининг ҳар гектаридан 235 центнердан ҳосил олинди. Колхознинг айрим бригадалари сабзавот ва картошкадан янада мўл ҳосил олдилар. Ўртоқ Латипов бошлиқ бригадада 20 гектар ердаги картошканинг ҳар гектаридан олинган ҳосил 200 центнерданга, 10 гектар ердаги помидорнинг ҳар гектаридан олинган ҳосил 250 центнерданга ва 7 гектар ердаги пиёзнинг ҳар гектаридан олинган ҳосил 350 центнерданга тўғри келди. Шунингдек Мўминов ва Каримов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам картошка ва сабзавот экинларидан юқори ҳосил етиштирилди.

Колхозда бу йил чорва моллари туёғини ўстириш плани тўла бажарилиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бирмунча кўпайди. 1 октябрьгача ҳарбир соғин сигирдан ўрта ҳисобда 2480 литрдан сут соғиб олинди. Колхознинг илғор сут соғучиси ўртоқ Б. Исҳоқова ўзига бириктиб қўйилган 14 бош сигирни яхши парвариш қилиш туфайли унинг ҳарбиридан шу чоқача 3300 литрдан ошириб сут соғиб олди.

Шу каби Сталин номли, генерал Собир Раҳимов номли ва бошқа колхозлар ҳам 1955 йилда сабзавот, картошкадан мўл ҳосил етиштириш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишда яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Районда колхозларда сабзавот ва картошкадан мўл ҳосил олиниши ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтирилиши шаҳар аҳолисининг ана шу маҳсулотларга бўлган ва тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини кўпроқ қондириш имкониятини бермоқда. Бу йил шаҳар аҳолисига ўтган йилдагига қараганда бирнеча минг тонна кўп картошка, сабзавот, полиз экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари келтириб сотилди. Уларнинг сифатига алоҳида э'тибор берилди.

Колхозларнинг хўжаликдан олаётган даромадлари, колхозчиларнинг меҳнат кунларига тақсимланаётган сабзавот, картошка, чорвачилик маҳсулотлари ва пулнинг миқдори ҳам йил сайин ошмоқда. Бу йил фақат чорвачиликдан олинган даромад Сталин номли колхозда бир миллион 790 минг сўмни, Ворошилов номли колхозда бир миллион 485 минг сўмни ташкил этди. Сталин номли колхознинг чўпони ўртоқ Асқарбой Жапоров оиласининг а'золари ҳозиргача 1300 та меҳнат куни ишлаганлар. Улар ана шу ҳалол меҳнатлари эвазига колхоздан 13000 сўм пул, 2600 килограмм картошка ва 650 килограмм буғдой оладилар. Колхознинг илғор сут соғучиси коммунист ўртоқ Ҳикоят Абдуллаева ўзига бириктиб қўйилган 12 бош сигирдан шу чоққача 50 минг литрга яқин сут соғиб олиб, 950 меҳнат куни ишлаган. У ана шу меҳнати эвазига 9500 сўм пул, 1850 килограмм картошка, 475 килограмм буғдой ва устама мукофот тариқасида 1500 литр қўшимча сут олади. Бу каби мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Чорва моллари ининг қишловини яхши ташкил этиш ва унинг уюшқоқлик блан ўтказилишини та'минлаш — партия ташкилотлари олдида турган асосий вазифалардан бирдир. Бу йил район колхозларида 14 минг 950 тонна ем-хашак, 6 минг 225 тонна силос, 1000 тоннадан ортиқ хашаки лавлаги тайёрланди ва чорва моллари қишлайдиган жойларга келтириб қўйилди. 18 та янги типдаги молхона қурилди ва фермалардаги мавжуд бинолар ремонтдан чиқарилди.

Колхозларнинг бошлаётгич партия ташкилотлари шу кунларда асосий э'тиборни сабзавот ва картошкадан бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш учун пухта тайёрлик кўришга қаратмоқдалар. Ҳозир район колхозларида 4242 тонна уруғлик картошка тайёрлаб қўйилди. 340 гектар ерга кузги пиёз экилди. Картошка ва сабзавот экиладиган ерларни шудгорлаш тўла тамомланди, парник хўжалигини тартибга солиш ишлари охирига етказилмоқда.

Район партия комитети бошлаётгич партия ташкилотларида партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни кучайтиришга ҳам катта э'тибор бермоқда. Колхоз бошлаётгич партия ташкилотлари ҳузурида 15 агитколлектив ва 22 агитпункт муттасил ишлаб турипти. Кўпчилиги коммунист ва комсомоллардан иборат бўлган 300 га яқин агитатор меҳнаткашлар ўртасида сиёсий агитация олиб бормоқда. улар район меҳнаткашлари олдида турган сиёсий ва хўжалик вазифаларининг муваффақиятли ҳал қилинишида партия ташкилотларига катта ёрдам бермоқдалар.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим колхозларнинг бошлаётгич партия ташкилотлари сабзавот ва картошкадан мўл ҳосил етиштириш, айниқса чорвачиликни ривожлантириш ҳамда унинг маҳсулдорлигини ошириш учун курашни яхши ташкил этмадилар. Колхоз раҳбарларидан чорва моллари туёғини кўпайтириш бўйича белгиланган планнинг сўзсиз бажарилишини та'миналаш талаб этмадилар. «Победа октября», Охунбобоев номли, «Шарқ ҳақиқати» колхозларида йирик шохли қорамоллар, шу жумладан сигирлар сонини кўпайтириш плани бажарилмай қолди. Район партия комитети эса ана шу колхозларнинг партия ташкилотлари э'тиборини бу муҳим масалага жалб этмади, районда чорва моллари туёғини кўпайтириш бўйича белгиланган планнинг барча турлари бўйича бажарилишини та'минламади. Натижада районда қўй, эчки, чўчқа, паррандалар сонини кўпайтириш плани оширилиб бажарилгани ҳолда, йирик шохли моллар, шу жумладан сигирлар бўйича план бажарилмай қолди.

Район партия ташкилоти қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни янада кучайтириб, халқимизга сабзавот, картошка, чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришни янада кўпайтириш учун барча чораларни кўради.

Ғ. МАЖИДОВ,
Узбекистон КП Калинин район комитетининг секретари.

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЛИБЕРИЯГА КЕЛДИ

МОНРОВИЯ, 2 январь. **(ТАСС махсус мухбири).** Табмэн жаноблари Либерия Республикаси президенти ва Толберт жаноблари вице-президент вазифасини ўташга расмий равишда киришишлари муносабати блан бўладиган тантаналарда қатнашмоқ учун СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси А. П. Волков бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси 31 декабрьда Либерия пойтахти Монровияга келди. Шу куни Совет делегациясини, шунингдек Монровияга келган бошқа четэл делегацияларини Либерия Республикаси президенти Табмэн жаноблари қабул қилди.

Монровияга келган делегацияларнинг а'золари. Либериянинг давлат ва жамоат арбоблари, шунингдек Либерия ва четэл журналистлари ҳозир бўлган ҳолда Совет делегацияси бошлиғи А. П. Волков СССР Олий Совети Президиуми раиси К. Е. Ворошиловнинг мактубини Либерия Республикаси президенти Табмэн жаноблари-га топшириди.

К. Е. Ворошиловнинг мактубида Либерия Республикаси президентининг СССР Олий Совети Иттифоқ Совети раиси А. П. Волков блан шахсан алоқа ўрнатиши иккала мамлакат ўртасида дўстлик муносабатлари ўрнатиш ишига хизмат қилади деб ишонч билдирилади.

Табмэн жаноблари жавоб сўзида шахсий алоқалар халқлар ўртасида яхши ҳамжиҳатликка ва халқлар ўртасилаги дўстлик муносабатларда ўрнатилишига тўсқинлик қилучи сун'ий ғовларни олиб ташлашга ёрдам бериш ҳақидаги фикрга қўшилганлигини айтди. У. Либерия халқи бошқа халқларнинг умумий тинчлик манфаатларини кўзлаб тинчликка ва ҳамкорликка бўлган интилишларини тушунади ва тақдир қилади деди.

ЛАНЬ ЦУНЬ-ЧИФУ ТЕМИР ЙЎЛИ

ПЕКИН, 3 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар берали: Циндао-Цзинань темирйўлида жойлашган Ланьцуньни Шаньдун яриморолида жойлашган Чифуни бир-бири блан боғлайдиган янги темир йўлла қатнов бошланди.

КАШМИР БОШ МИНИСТРИНИНГ БАЁНОТИ

ДЕҲЛИ, 2 январь. (ТАСС). «Ҳиндустан таймс» газетасининг хабар беришича Кашмир бош министри Ғулом Муҳаммад Бахши 1 январьда Деҳлида матбуот вакилларига баёнот бериб, Совет Иттифоқи қилганидек, бошқа буюк давлатлар ҳам шуни тушуниб олишлари керакки, Кашмирнинг истиқболини Кашмир халқи ўзи ҳал қилиб қўйди ва бунга ҳарқандай тарзда аралашиш Кашмир, Покистон ва Ҳиндистон халқлари бошига янги хавфларни келтириши ҳамда Осиёда тинчликни бузиши мумкин, деган.

Бахши айтганки, Совет раҳбарларининг Кашмирга қилган визити ғоят муҳим воқеа бўлди. Кашмир штатининг халқи Булганин ва Хрушчевнинг тўғриан-тўғри ва тўла равишда халқни қўллаб-қувватлаганидан жуда мамнун бўлди. Совет Иттифоқи буюк давлатир ва Совет Иттифоқи раҳбарларининг Кашмир халқининг бу қарорини қўллаб-қувватлаганликлари жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бахши уқтириб ўтганки, Кашмирнинг Ҳиндистонга қўшилиши қат'ийдир ва халқ штатнинг истиқболи ҳақидаги масалани яна кўтариш йўлидаги ҳарқандай уринишларга чидаб турااолмайди.

Кашмир бош министри айтганки, ҳозирги вақтда штат иқтисодий юксалиш даврини кечириб турибди ва иккинчи бешйиллик план бўйича штатнинг экономикасини ривожлантиришга 510 миллион рупия сарфланади.

АҚШНИНГ ҒАРБИЙ-ЖАНУБИЙ ҚИСМИДА АЛОҚА ҲОДИМЛАРИНИНГ ЗАБАСТОВКАСИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 январь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Сан-Анжело (Техас штати) билдиришига қараганда, «Женерал телефон компани оф саут — уэст» компаниясининг ишчи ва хизматчилари кеча олти штатнинг 232 телефон станциясида забастовка э'лон қилганлар. Ишташлагаклар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

ФРАНЦИЯ МИЛЛАТ МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР

ПАРИЖ, 2 январь. (ТАСС). Бугун маҳаллий вақт блан эрталаб соат 8 да Францияда Миллат мажлисига сайловлар бошланди.

Миллат мажлисига жам'и 627 депутат сайланиши керак. Бугун сайловлар Франция территориясидагина (544 депутат сайланади), шунингдек денгизнинг нариги томонидаги ба'зи департамент ва территорияларидагина (бу ерларда 51 депутат сайланади) ўтказилади. Шундай қилиб, бугун 595 депутат сайланиши керак.

Жазоирдан Миллат мажлисига 30 депутат сайланиши керак. Жазоирда бугун сайловлар ўтказилмайди. Сиёсий ва ҳарбий вазият кескин тус олганлиги сабабли, Жазоирдаги сайловлар номуайян вақтгача кечиктирилганлиги тўғрисида хабар берилган эди. 8 январьда Янги Каледониядан бир депутат ва Тинч океандаги Француз ерларидан 29 январьда бир депутат сайланади.

• • •

ПАРИЖ, 2 январь. (ТАСС). Дастлабки ма'лумотларга қараганда, Миллат мажлисида бўлган сайловларда 1951 йилдаги сайловларга нисбатан анча кўп сайловчи қатнашган. Бунинг сабаби 2 миллиондан кўпроқ янги сайловчи рўйхатга олинганлигилигина бўлмасдан, балки овоз беришда бетараф қолган сайловчиларнинг сони анча камайганлигидан ҳам иборатдир. Кўпгина департаментларда овоз берган сайловчиларнинг сони 85—90 процентга етади.

Дастлабки ма'лумотларга кўра, Франция Коммунистик партияси бирқанча пунктларда 1951 йилдагига нисбатан анча кўп овоз олган.

• • •

ПАРИЖ, 3 январь. (ТАСС). Париж вақти блан эрталаб соат 5 да (Москва вақти блан соат 7 да) Франция ички ишлар министрлиги денгиз орқасидаги департаментлардан ва территориялардан ташқари Франциянинг ўз территориясида Миллат мажлисига сайланиши лозим бўлган 544 депутатлан 331 депутатнинг сайланишига доир сайлов натижаларини э'лон қилди. Шундан коммунистлар — 87 ўрин, социалистлар—58, турли сўл гуруҳлар — 1, «Демократик ва социалистик қаршилик кўрсатиш иттифоқи» (ЮДСР)—3; радикал-социалистлар (Мендес-Франс тарафдорлари) — 18; радикал-социалистлар (Фор тарафдорлари) — 12. «Сўл республикачилар бирлашмаси» (РЖР)—6, «Мустақил республикачилар» ва бошқа «мў'тадил» деб аталган гуруҳлар — 65, «халқ республика-ҳаракати» (МРП), — 48; «социал республикачилар» — 8; «савдогарлар ва ҳунармандларни ҳимоя қилиш иттифоқи» («Пужад ҳаракати») — 23 ва бошқа ҳархил ўнг гуруҳлар 2 ўрин олган.

Сайловнинг бу жуз'ий натижалари Коммунистик партиянинг анча катта муваффақият қозонганлигини ва ба'зи ўнг сиёсий гуруҳларнинг енгилганлигини кўрсатади. Жумладан «социал республикачилар» (собиқ деголльчилар) жуда кўп овозни йўқотганларки, улар депутатлик мандатларининг кўп қисмидан маҳрум бўладилар.

Вильгельм Пикнинг 80 йиллиги муносабати блан

БЕРЛИН, 3 январь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пик туғилган куннинг саксон йиллиги муносабати блан ГДРдаги раҳбар партия, давлат ва жамоат ташкилотлари унга табрикномалар юбордилар.

— Қадрли ўртоқ Вильгельм Пик!—дейилади Германия бирлашган социалистик партияси Марказий комитетининг мактубида. Биз ҳар иккала герман давлатидаги миллион-миллион немислар бирталикда, бутун дун'ёдаги миллион-миллион тинчликсевар кишилар блан биргаликда сени 80 ёшга тўлган кунингда табриклаймиз ва Германия Демократик Республикасидаги бирлашган ишчилар синфи партиясининг — сенинг раҳбар сифатидаги иштирокинг блан вужудга келтирилган Германия бирлашган социалистик партиясининг табрикларини сенга йўллаймиз.

Сенинг мазмунли ҳаётинг, сенинг Германия марксистик ишчилар ҳаракати сафларида 60 йилдан ортик вақт мобайнида олиб борган курашинг немис ишчилар синфи учун ва миллатнинг социализмни ғалабага олиб келишни истаётган бошқа ҳамма прогрессив кучлари учун намунадир.

ГБСП Марказий комитети ўз табригида Вильгельм Пикнинг немис ишчилар синфи кураши блан чамбарчас боғланган ҳаётий йўлини тасвирлаб, яна қуйидагиларни ёзади:

Сенинг ҳаётинг — партиямизнинг а'золари учун намунадир. Сен Маркс, Энгельс, Ленин ва Сталиннинг шогирди бўлиб, Карл Либкнехт, Роза Люксембург, Клара Цеткин, Эрнст Тельманнинг жанговар сафдоши бўлиб, 80 йиллик ҳаётингда кўп нарсаларни — немис ишчилар синфининг оғир курашини, муваффақиятлари ва оғир мағлубиятларини бошингдан кечирдинг. Ана шу мағлубиятлар герман миллатининг ва тинчлик ишининг ҳам ҳамиша оғир мағлубияти бўлиб келган эди. Аммо, сен Германия Демократик Республикасидаги бирлашган ишчилар синфининг монополиячилар устидан ғирик помешчиклар ва милитаристлар устидан қозонган ажойиб ғалабасининг ҳам шоҳиди бўлдинг...

Биз ишчи-деҳқонлар давлатимизга, тинчлик йўлидаги курашда немис ишчилар синфига ва мамлакатдаги барча прогрессив кучларга ўзинг бутун ҳаётингни бағишлаган иш учун, тинчлик, демократия ва социализм иши учун курашда яна кўп йиллар мобайнида бошчилик қилишингни истаймиз.

ГДР Халқ палатаси Президиумининг табригида бундай дейилади: Халқ палатаси Президиуми Сизнинг 80 йиллик умрингизда халқимиз учун қилган ҳамма ишларингиз учун, Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг барча а'золари номидан Сизга ташаккур изҳор қилади. Биз, Сизнинг 80 йиллигингиз кунида Сизга ва ўзимизга шу нарсани тилаймизки, сизнинг ва бизнинг юксак миллий мақсадни, я'ни Германияни тинч ва эркин шароитда қайтадан бирлаштириш мақсадини амалга ошириш йўлидаги интилишларимиз тезликда юзага чиқсин. Биз шуни истаймизки, бизнинг бахт-саодатимиз йўлида Сиз яна узоқ йиллар ўз соғлигингиз ва ижодий кучларингизни сақлаб, биз блан биргаликда эркинлик ва тинчлик йўлидан борингиз.

Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг табригида, жумладан, бундай дейилади:

Герман империализми ва милитаризмини қайтадан тиклашга қарши, бирлашган, демократик, тинчликсевар ва мустақил Германияни вужудга келтириш учун олиб борраётган курашимиз Сизнинг номингиз блан абадий боғланган. Сиз, суверен, ҳақиқатан ҳам демократик, қонуний герман давлати бўлган Германия Демократик Республикасининг президенти сифатида бутун халқимизнинг самимий ишончига сазовор бўлдингиз. Сиз, ишчи-деҳқонлар ҳокимиятимиз амалга ошираётган улуғ социалистик қурилиш иши қудратли тинчлик лагеридаги халқлар томонидан сиёсий ва иқтисодий соҳада кенг миқ'ёсда қўллаб-қувватланишига айниқса кўп ёрдам бердингиз.

Демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгаши ва ГДРдаги бошқа бирқанча жамоат ташкилотлари ҳам Вильгельм Пикка табрикномалар юбордилар.

ПОЛЬША ДЕЛЕГАЦИЯСИ БЕРЛИНГА КЕЛДИ

БЕРЛИН, 2 январь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пик туғилган куннинг 80 йиллиги муносабати блан ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун бугун Польша Халқ Республикаси делегацияси Берлинга келди. Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси, Польша бирлашган ишчи партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'зоси А. Завадский делегацияга бошчилик қилмоқда.

Шарқий вокзалда делегацияни ГДР Министрлар совети раисининг ўринбосарлари Л. Больц, О. Нушке, Ф. Зельбман, Г. Лох ва ГДРнинг бошқа арбоблари кутиб олдилар.

ҲИНДИСТОН ИЛМИЙ КОНГРЕССИНИНГ 43-НЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

ДЕҲЛИ, 2 январь. (ТАСС). Бугун Агра шаҳрида Ҳиндистон илмий конгрессининг 43-нчи сессияси очилди.

Ҳиндистонда бундай илмий сессиялар ҳар йили ўтказилиб турилади. Бу сессиялар мамлакатнинг илмий ҳаётида муҳим воқеадир.

Ҳозирги сессияда 1.200 ҳинд олими ва бошқа мамлакатлардан, шу жумладан Хитой, Чехословакия, АҚШ, Англия ва Япониядан 50 дан ортиқ олим қатнашмоқда. Сессиянинг ишларида СССР Фанлар Академияси Президиумининг бош илмий секретари Академик А. В. Топчиев бошчилигида СССР Фанлар Академияси делегацияси қатнашмоқда.

Ҳинд олимлари бу сессияга фан ва техниканинг турли соҳаларига доир 1000 дан ортиқ доклад тақдим этдилар.

Четэл олимлари, шу жумладан Совет Иттифоқи олимлари доклад қиладилар.

Сессияни очиш маросимида Ҳиндистон Бош министри Неру нутқ сўзлади.

Ялпи мажлисдан кейин конгресснинг 13 илмий секцияси ишга киришади.

СУН ЦИН-ЛИН ҲИНДИСТОНДАН ЖУНАБ КЕТДИ

ДЕҲЛИ, 2 январь. (ТАСС). Пресс траст оф Индиа агентлиги билдиради: Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитети раисининг ўринбосари Сун Цин-лин Ҳиндистонда 17 кун бўлганидан кейин бугун Деҳлидан Рангунга учиб кетди.

Деҳлидаги Палам аэродромида Сун Цин-линни Ҳиндистон Бош министри Неру кузатиб қолди.

Сун Цин-лин аэродромда ҳинд халқининг ўз мамлакатини тараққий этдириш соҳасида эришган муваффақиятлари ва ба'зи ўнг сиёсий гуруҳларнинг енгилганлигини айтди. Сун Цин-лин Ҳиндистон блан Хитой ўртасидаги дўстлик доим мустаҳкамланиб боради, деб ишонч билдирди.

Сун Цин-лин Рангунга келди

РАНГУН, 2 январь. (ТАСС). Бугун Бирма ҳукуматининг таклифига мувофиқ, Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитети раисининг ўринбосари Сун Цин-лин Рангунга келди.

Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатининг муваффақиятлари тўғрисида «Женьминьжибао» газетасининг ёзганлари

ПЕКИН, 2 январь. (ТАСС). «Женьминьжибао» газетаси бугун «Тинч-тотув яшаш идеяларининг буюк ғалабалари» сарлавҳали бошмақоласида қуйидагиларни ёзади: 1955 йил — халқаро тинчлик кучлари, мустамлакачиликка қарши курашаётган кучлар янада мустаҳкамланган йил бўлди. Бу йил—урушдан кейинги тарихга тинч-тотув яшаш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш сиёсати тўхтовсиз ғалаба қозонган йил бўлиб, Осиё ва Африка мамлакатларида мустамлакачиликка қарши кураш мисли кўрилмаган даражада кучайган йил бўлиб, тобора кўп давлатлар мустақил сиёсат ўтказишга интилган йил бўлиб киради. Бу тадбирлар халқаро миқ'ёсдаги агрессив доираларнинг «зўравонлик қилиш сиёсати»ни жиддий мағлубиятга учратди. Ҳозирги кунда халқларнинг тинчлик ва прогрессга бўлган иродаси буюк ва енгилмас модий куч бўлиб қолди.

Газета бундай деб ёзади: Булганин ва Хрушчев 1955 йил 29 декабрьда СССР Олий Советининг сессиясида Ҳиндистонга, Бирмага ва Афғонистонга қилган сафарлари тўғрисида сўзлаган нутқларида ўтган йилги вазиятни ёркин кўрсатиб бердилар, тинч-тотув яшаш идеясининг буюк ғалабасини кўрсатдилар. Тинч-тотув яшаш идеяси халқаро вазиятдаги тараққиётда ҳаракатга келтируччи қудратли кучдир.

Ўтган йили, деб ёзади газета, Совет Иттифоқи тинчлик учун ва халқаро ҳамкорликни юмшатиш учун олиб борилган курашда айниқса фахрли ўрин олди. Бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқлар Совет Иттифоқининг қурол-яроғларни ёппасига камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш масаласидаги нуқтаи назарини, шунингдек унинг Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш тўғрисидаги таклифини ма'қулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Совет Иттифоқи блан Югославия ўртасидаги муносабатлар тубдан яхшиланди. СССР блан Финляндия, Норвегия, Канада ва Германия Федерал Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳам анча яхшиланди. Булганин ва Хрушчевнинг Ҳиндистон, Бирма ва Афғонистон раҳбарлари ҳамда халқлари блан учрашувлари натижасида Совет Иттифоқининг Осиё мамлакатлари блан дўстона муносабатлари ўз тараққиётида янги даврга кирганлигини алоҳида та'кидлаб ўтиш керак. Буларнинг ҳаммаси, деб уқтириб ўтади газета, Совет Иттифоқининг тинчликни мустаҳкамлашга ва халқлар ўртасидаги дўстликни кучайтиришга интилаётганлигини исбот қилади.

Булганин ва Хрушчевнинг Осиё мамлакатларига қилган сафарларининг жуда катта аҳамияти шундан иборатки, Совет Иттифоқи Осиё ва Африка мамлакатларининг конференциясида ҳамда Женева кенгашида эришилган муваффақиятлар асосида, тинч-тотув яшаш идеясини янада ривожлантиришга кенг миқ'ёсда ёрдам берди.

Бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқлар, деб ёзади «Женьминьжибао» газетаси, Совет Иттифоқининг Осиё мамлакатлари блан кучайиб бораётган дўстлигини қизғин табриклямоқдалар ва бу дўстлик Осиёда ҳамда бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилишнинг муҳим фактори, деб ҳисобламоқдалар.

—0—

ҲИНД ЁЗУЧИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БУЛИШИ

Совет ёзучилари союзининг таклифига мувофиқ СССРга келган прогрессив ҳинд адабиётчиси Кришан Чандр Ўзбекистонда беш кун меҳмон бўлди. У саноат корхоналарини, колхозларни бориб кўрди, ўзбек халқи театр сан'атининг ютуқлари блан танишди. Кришан Чандр республика ёзучилари блан учрашди, музейларни тамоша қилди. Ҳиндистонли меҳмон Урта Осиёнинг энг катта кутубхоналаридан бирида — Алишер Навоий номли Ўзбек давлат халқ кутубхонасида, шунингдек Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик илмий-текшириш институтида, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида бўлди. Кришан Чандр умумшаҳар янги йил арчасида Ўзбекистон пойтахтининг мактаб ўқувчилари блан учрашди.

Ҳинд ёзучиси 2 январьда Москвага жўнаб кетди. Вокзалда Кришан Чандрни республиканинг отоқли ёзучилари, шунингдек жамоатчилик ва матбуот вакиллари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).



Чирчиқдаги медицина мактабида студентларнинг назарий билимларини практик машғулотлар блан мустаҳкамлаш яхши йўлга қўйилган. **Суратда:** II курс студентлари практик машғулот ўтказмоқдалар.

М. Фурман фотоси.

Ёш табиатшунослар республика станциясида

Станциянинг ёш ғаллакорлари мичуринча методга амал қилиб, бугдойнинг қурғоқчиликка чидамли, кўпшохли, юқори ҳосилли «Ўзбекистоннинг ёш табиатшунослари» номли янги турини яратдилар. Бу тур ғалланинг экилган битта донаси 480 та дони 6 граммдан ортади. Фақат «Туятиш» бугдойигина ана шу турдаги бугдойдан бироз оғирдир.

Ҳозир қишлоқ хўжалик институтининг профессори ўртоқ Белов «Ўзбекистоннинг ёш табиатшунослари» бугдойини тажрибаилмий станциясида ўрганмоқда. Бу бугдой бу йил Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги виставкасининг «Ёш табиатшунослар павильони» участксасига экилади.

Станциянинг ёш гулчилари бутун участкани чопдилар, ариқ олдилар ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг отэлигидаги Ботаника боғидан келтирилган пиёзли ўсимликларни ўтказиб қўйдилар. Бирнеча ариққа лоланинг кўпгина тури, яна бирнеча ариққа гиацинт, нарцис, гаут ва бошқа хил гуллар экилди. Атр гулларнинг атрофи тупроқ блан ўраб қўйилди.

Ёш гулчилар тўғараги ёш боғбонларнинг Бутуниттифоқ конкурсида актив қатнашди ва ишда яхши натижаларга эришгани учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг ёрлиғи блан мукофотланди.

Энди станциядаги товусларнинг ташқи қиёфаси ҳам ўзгарди. Эркак товус ўзининг ғўзал патларини тўкиб юбориб, макён товусга ўхшаб қолди. Товуқ, каптар ва ўрдакларнинг патлари қалинлашди. Қуёнларнинг эти момиқ блан қопланди.

Мана, қафасда катта қуён ўтиришти. Унинг жуни қора, толаларининг уч қисми эса оппоқ. Қорабурул тусли бу қуён тўғарак қатнашчилари томонидан етиштирилган. У катта ва жуда гўштдор бўлганидан, тўғарак а'золари бундай қуёнларни ҳақли равишда «қўй» деб атаганлар.

Яна шу қуёнлардан бири якинда бошқа экспонатлар қатори Москвага — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига юборилади. Бундан ташқари, виставкага яна 108 — Ф сорт пахта, ипак қурти 47 наслининг ҳархил рангли пилласи олиб борилади.

Ўтган йили станция ва унинг тўғараги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашди.

П. Г. ПРИГОЖИН,
Ёш табиатшунослар республика станциясининг методисти.

Ишчиларга ғамхўрлик

Тошкентдаги Сталин номли тўқимачилик комбинатида ишчилар дам олиш кунларидан ва отпускадан жуда яхши фойдаланадилар. Бунинг учун комбинатда ҳамма шароит мавжуд. 1955 йилда комбинат ишчиларидан 200 дан ортиқ ишчи Кисловодск, Кавказ ва Қримдаги санатория ҳамда курортларга борди. Шаҳар атрофидаги дам олиш уйларида 1000дан ортиқ ишчи дам олиб қайтди. Мингга яқин ишчи эса, комбинатдаги бир кунлик дам олиш уйида хордиқ чиқарди.

Илғор ишчилардан С. Пўлатова, Ткаченко ва Федосов ўртоқлар Сочи, Кисловодск курортларига бориб, дам олиб соғлом ва тетик бўлиб қайтдилар.

М. ЗИЕМУҲАМЕДОВА.

ОВЧИ БЛОКНОТИДАН

АРХАР

Биз Памир тоғининг Сталин чўққиси яқинидаги кичкинагина Мадиан водисидан отлар учун тайёрланган пичанларни Мурғобга таширдик.

Кунларнинг бирида тонг ёришишига яқин биз Мадианга етиб бордик. Пичан бинда икки жониворнинг қораси кўринди. Шеригим Сорокин елкасидан милтиғини олиб уларга ўқ узишга ҳозирланди. Мен уни тўхтатдим, чунки аста тонг ёришаётганда ҳарсанг сари бизга аниқроқ кўринган жониворлар архар эканлигини билдик.

Биз отларни четга олиб архарларнинг уришишини ҳарсанг тош панасида тамоша қилабошладик. Улар орқага тисарилиб шунчалик тез олдинга ташланардиларки, шоҳларини бир-бирларига урганда олдинги оёқлари тикка бўлиб, ортки оёқлари блан турардилар. Шохларнинг қарсиллаган садосидан атроф гумбурлаб кетарди. Архар қўйнинг ёввойиси бўлиб, жуни бўзоқим, кўкраги оппоқ, шоҳлари қайрилган тоғ ҳайвонидир. Архарнинг гўшти лаззатли ва ширин бўлади. Териси қўнчиликда чарм учун ишлатилса, қаттиқ ёлларидан шчётка ишлаш мумкин. Баҳайбат шохлари эса зийнатли буюмлар ишлаш учун ишлатилади.

Архарларнинг оғирлиги 60 килограммдан 80 килограммгача ба'зан эса 250 килограммга қадар боради. Улар тоғда юришга мослашганлар.

Кейинги вақтларда олимлар архар блан Қозогистоннинг чўл қўйини чатиштириш натижасида «қозоқ архаромереноси» номли янги қўй зотини етиштирдилар. Бу қўйлар вазнининг оғирлиги, жунининг кўп ва майинлиги, ҳарқандай шароитда яшаш учун мослашганлиги блан оддий қўйлардан фарқ қиладилар.

Қишлоқ хўжалик виставкаси экспонатлари орасидаги «қозоқ архаромереноси»лари кўпчиликнинг э'тиборини ўзига жалб этаётганлиги ҳам ма'лум.

Х. ҲАКИМОВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/I да кундуз ва кечқурун **Чин муҳаббат.** 5/I да кундуз **Чин муҳаббат,** кечқурун **Юрак сирлари.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/I да кундуз **Дубровский,** 5/I да кундуз **Қизил гул** («Аленький цветочек»).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да кундуз ва кечқурун **Азиз ва Санам.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ» — **Ўрмонда тутун.**

«ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун) — **Матрос Чижик.**

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
4 январьда

КАТТА КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари **Мукаррамэ Турғунбоева, Ғулом Абдураҳмонов,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Назира Аҳмедова, Фотима Борухова, Шаҳодат Раҳимова,** Ўзбекистон халқ ҳофизлари **Ортиқхўжа Имомхўжаев, Ма'муржон Узоқов, Жўрахон Султонов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Ҳалима Комилова, Маргарита Оқилова, Насим Ҳошимов, Абдуғафур Абдураҳмонов, Муҳамаджон Мирзаев,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби **Аҳмаджон Умўрзоқов,** Алишер Навоий номли, театр, Муқимий номли театр ва Ўзбек давлат эстрадасининг солистлари **Гулнора Маваева, Зумрат Ҳожиева, Шерали Пўлатов, Тўхта Рисметова, Жамол Низомхўжаев, Жуманазар Бекжонов, А. Мирзақулов,** Ўзбек давлат эстрадасининг халқ чолғу асбоблари ансамбли ва «Баҳор» хореография ансамбли, доирада—Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Р. Исахўжаев, К. Дадаев, Р. Иброҳимов, Ўрмонов, Иўлдошев, Мирхолиқовлар** қатнашади.

Концертмейстерлар — **Д. Воробейчикова, М. Фурман.**

Программани Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Гавҳар Раҳимова** олиб боради.

Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
4 январьда кундуз ва кечқурун
Ш. Тамкин асари,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **П. Раҳимов** ва **Х. Раҳимов** музикаси

Сингиллар қиссаси

4 парда, 5 кўринишли музикали драма.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Раззоқ Ҳамроев,** рассом — **Г. А. Визель,** дирижёр — **Н. М. Гинзбург.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Бугун ва ҳар куни
Москвада бўлиб ўтган адабиёт ва сан'ат декадаси қатнашчилари —

Литва цирк коллективининг ГАСТРОЛЬЛАРИ

3 бўлимда
катта цирк тамошалари.
АТТРАКЦИОН—ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР.
Ўргатучи—Литва ССРда хизмат кўрсатган артист **А. Кличес.**
МАЙМУНЛАР.
Ўргатучи — **В. Моляров.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
4 январьда
КПСС XX с'езди ҳурмати блан бағишланган адабий-музикали композиция

„...Сўнмас у кунлар шуҳрати“

Ижро этучи—бадиий сўз устаси **Муҳсин Ҳамидов.**

Кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади. Коллектив заявкалар қабул қилинади.

5 январьда

Концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Қори Ёқубов,** Ўзбек давлат эстрадасининг солистлари **Жуманазар Бекжонов, Фахриддин Содиқов, Зумрат Ҳожиева, Ғулом Тожиа'лоев** ва бошқалар қатнашади. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади. Билетлар сотилмоқда.

Тошкент область, Қорасув район, Ленин қишлоқ совети, Яланғоч қишлоғи, Посраяангоч кўча, 24-нчи уйда туручи **Тоҳир Фозилович Носировнинг** Тошкент шаҳар, Кисловодская кўча, 8-нчи линия, 121-нчи уйда туручи Маҳсума Носирова-Аҳмедовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136 Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 69917. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1343.